ЎзССР Давлат матбуот палатасы

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 192 (8. 390) ◆ 1993 йил ◆ 28 октябрь, пайшанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ФРАНЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Президенти Франсуа Миттераннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Парижга жўнаб кетди.

Тайёрагоҳда Ислом Каримов республика журналистлари билан суҳбатлашди. Уларнинг саволларига жавоб берар экан, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, демократия соҳасида жаҳонда пешқадамлик қилиб келаётган бу қадимий диёр халқи билан туркий аждодларимиз ўртасида азалдан мавжуд бўлган самимий муносабатлар хусусида сўзлади. Узоқ йиллар давомида юрагида халқимизга нисбатан теран эҳтиром сақлаб келаётган французлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш фарзу қарз эканини таъкидлади.

— Амалий ишларга келсак, — деди Ислом Каримов, — сафар давомида Франция раҳбари билан биргаликда дўстлик ва ҳамкорлик шартномасини имзолаймоқчимиз. Бундан ташқари, маданий, илмий, техник ҳамкорлик юзасидан, шунингдек, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш борасида ҳам битимлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Президентни Республика Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизхўжаев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Ален Пелукс ҳам бор эди.

(ЎзА).

ПАРИЖ МЎЪТАБАР МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

Париж, 27 октябрь. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Лев Левин хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси Давлат байроқлари билан безатилган Парижнинг «Орли» аэропортида Франция раҳбарлари Президент Ислом Каримовни кутиб олдилар. Мўътабар меҳмон шарафига давлат мадҳиялари янгради, қуролли кучларнинг уч тури вакиллари фахрий қоровул бўлиб турдилар. Самолёт пиллапояси олдида меҳмонни Франция Президенти Франсуа Миттеран қарши олди. Ўзбекистон Президентининг жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига давлат ташрифи шу тариқа бошланди.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар Каримов ва Миттеран аэропортда қисқача баёнот бердилар.

Ислом Каримов Францияга расмий ташрифнинг муҳимлиги тўғрисида гапириб, азалий демократик анъаналарга эга бўлган бу мамлакатнинг бутун дунёда обрўси баландлигини таъкидлади. Зеро, иккиёқлама ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш — ҳамкорликнинг мантиқий ва қонуний жараёнидир.

Франсуа Миттеран Марказий Осиёдаги йирик давлатлардан бири бўлмиш мустақил Ўзбекистон демократик ўзгаришлар йўлига дадил ўтганини таъкидлади. Муҳим жўғрофий ва сиёсий ўрин тутган Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасидаги алоқани мустаҳкамловчи давлатга айланиши мумкин.

Франция сиёсатчилари, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига катта эътибор бермоқда. Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликда масофа ҳал қилувчи аҳамиятини йўқотган ҳозирги вазиятда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги бевосита алоқалар яхши ривожланиши мумкин. Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги пайтда бу айниқса муҳимдир. Катта иқтисодий салоҳият ва табиий бойликларга эга бўлган республикада танг вазиятдан чиқиб олиш, ўз салоҳиятини мунтазам ошириб бориш учун барча имконият мавжуд. Лекин ҳамма муаммони ёлғиз ҳал қилиш қийин. Замонавий технология бўлмаса, рақобатга бардош бера оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқлар ривожлантирилмаса, жаҳон бозорида муносиб ўрин ни эгаллаш қийин. Шу сабабли Франциянинг тажрибаси, иқтисодиёт соҳасидаги самарали ҳамкорлик — мазкур стратегик масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Шарҳчилар Франция пойтахтида имзоланиши лозим бўлган ҳужжатларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ҳужжатларнинг энг муҳимлари — янги Европа учун Париж Хартияси ва дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги, шартнома маданий, илмий, техникавий ҳамкорлик ҳақидаги, сармоя сарфлашни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимлардир.

Ислом Каримовнинг ташрифи дастури жуда тиғиз. Биринчи куниёқ «Мариньи» саройидаги расмий боғоҳга жойлашгач, Президентимиз Франсуа Миттеран билан ёлғиз суҳбатлашади. Сўнгра Елисей саройида музокаралар бошланади. Ўзбекистон Президенти кейинги кунларда Франция Бош вазири Э. Баладюр, ташқи ишлар вазири А. Жюппе билан музокара олиб боради, ишбилармонлар миллий кенгаши раҳбарлари, етакчи банклар ҳамда савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашади.

Ўзбекистон раҳбари, шунингдек, «Мираж 2000» қирувчи самолётлари ва «Фалькон» фуқаро самолётлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Дассо» самолётсозлик компаниясини ҳам бориб кўради.

Бу воқеалар тафсилотини кейинги хабарларимизда ўқийсиз.

«Ўзбек қоғози» ҳиссадорлик корхонаси қоғоз ва ҳар хил дафтарлар ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг сифатига катта эътибор бермоқда. Шунинг учун корхонада ҳозир чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилган ускуна ва жиҳозлар ўрнатилмоқда.

Германиядан олиб келинган «Беломатик» ускунаси бунга яққол мисол бўла олади. Бу ускунада яқинда ишчилар 72 варақли дафтар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди.

СУРАТДА: корхона илғорлари.

Виктор Бағаев сурати.

** Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА ТОЗАЛИК ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КУЗГИ БИР ОЙЛИК ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков пойтахт яшил бойлигини сақлаб қолиш, уни кўпайтириш ва сув иншоотлари ҳолатини яхшилаш мақсадида 1993 йил 1 ноябрдан 1 декабргача Тошкент шаҳрида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик ҳолатини яхшилаш бўйича кузги бир ойлик ўтказиш тўғрисидаги фармойишни имзолади.

Кузги бир ойлик давомида шаҳар бўйича 30 минг туп мевали, 20 минг туп манзарали дарахт кўчатлари, 98,8 мингта бута ўтқазиш режаланди. Туманларнинг ҳудудларида 11,2 гектар майдонда мевали боғ барпо этиш мўлжалланган.

Туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, бошқармалар, трест, корхона ва ташкилотларга кузги бир ойлик мобайнида меҳнат жамоалари, маҳалла ва мавзелар аҳолисини бириктирилган ҳудудларни тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этиш топширилди.

Туман ободонлаштириш бошқармаларига Тошкент шаҳар ҳудудида тўкилган дарахт барглари йиғиб олиб, махсус ажратилган жойларда компост тайёрлаш вазифаси юклатилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари муҳарририятига ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик ҳолатини яхшилаш бўйича кузги бир ойлик ўтказилишининг боришини мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилди.

** Ўзбекистон—Франция: ҳамкорлик қирралари*

АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНГИ САҲИФА

● Бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ортиб бормоқда. Хориждаги давлатлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётган бир вақтда келажаги буюк ўзбек диёрида яна кўплаб йирик мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий муносабатларни мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Бундай ижобий ҳолни Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги маданий алоқалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

МАНА бир неча йилдирки, ҳар икки давлат ўртасида яқин алоқалар давом этмоқда. Жумладан, 1978 йили Ўзбекистонда ўтказилган Франция кунлари улкан маданият байрамига айланди. Ўша тантаналарда Раймон Марҳье, Макс Поль-Фуше, Роз Герен, Раймон Руеса каби машҳур француз адиблари ҳам қатнашдилар.

Орадан бир йил ўтгач, бундай дўстона маданий тадбир Францияда уюштирилди. Франциядаги Ўзбекистон кунларига катта тайёргарлик кўрилди. Мазкур маданият байрами доирасида бадиий кўргазма, концертлар уюштирилди. Ўзбекистон халқ амалий санъати асарларини ўз ичига олган экспозиция айниқса французларга манзур бўлди. «Баҳор» давлат рақс дастасининг чиқишлари Франциянинг Амьен, Лион, Ажан, Бордо каби шаҳарларида илиқ кутиб олинди.

Ўзаро маданий тажрибаларни айирбошлаш борасида ҳам кўп иш қилинмоқда. Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси йўли билан Франция ҳаёти билан таништириш мақсадида бир неча бор учрашувлар ташкил қилинди. Бундай тадбирлар Франциянинг муҳим саналарига бағишланди.

Бошланган бундай ҳайрли алоқалар ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга пухта замин ҳозирлади. Айниқса, тўқимачилик саноатини ривожлантиришга эътибор кучайди. Шунингдек, Ўзбекистон Францияга экскаваторлар, тўқимачилик машиналарини юбормоқда. Ўзбек ипагига, қоракўлига эҳтиёж ортиб бормоқда.

Париж шаҳрида «Бухоро» универсал дўконининг очилиши французларни жуда мамнун этди. Эндиликда бу савдо ўчоғида французлар ўзбек миллий буюмларини севиб харид этмоқдалар. Париждаги «Прентан» савдо бирлашмаси орқали ҳам ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Енгил ва маҳаллий саноат корхоналари билан музокаралар олиб борилиб, қатор шартномалар тузилди. Ўзбек нафис чинни буюмларини Францияга етказиб бериш имкони туғилиб, шу ҳақда келишиб олинди.

Ана шу яқин муносабат Франциядаги қатор саноат корхоналари билан алоқаларни кенг йўлга қўйишга олиб келди. Ўзбекистондаги саноат корхоналари француз техника жиҳозлари билан таъминланди.

Педагогика ва тилшунослик ҳамкорлиги бўйича Тошкентда француз марказининг очилиши маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Бу нуфузли даргоҳни ташкил этишда маданият ва маориф бўйича француз элчихонасининг атташеси Ш. Кантэн хоним бош бўлди.

Марказ ҳузурида француз тили ўқитувчилари уюшмасининг тузилиши нур устига аъло нур бўлди.

— Мазкур уюшма ўз фаолиятини кенг кўламда ташкил этади, — дейди уюшманинг фаол аъзоси С. Мирсоатова. — Уюшмамиз Ўзбекистонда француз тилини тарғиб қилувчи даргоҳ вазифасини ҳам ўтайди. Шу мақсадда ўқув-тарбиявий ишлар тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонлик толиби илмларнинг Францияга бориб келишларини таъминлашда ҳам Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси фаоллик кўрсатмоқда. Республика олимпиадасининг ғолиби бўлган икки нафар ўқувчи Францияга бориб тенгдошларк даврасида бўлиб қайтди. Яна уч нафар талаба, ўнга яқин француз тили ўқитувчиси шу йўл билан Франция сафарига отланди. Қисқаси, марказ ўқитувчиларнинг ўз касбий маҳоратини мустақил оширишнинг муҳим воситасига айланди.

Олий ўқув юртлари ўзаро ҳамкорлиги ҳам яхши самаралар бераётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Тошкентдаги жаҳон тиллари университети ўқув фаолиятининг кўп қирралари бевосита Франция билан узвий боғланган. 15 йилдирки, бу олий ўқув юрти Франция институтлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Страсбург университети билан боғланган бундай алоқалар жараёнида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Париж университети Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Олий ўқув юрти тарих факультетининг бир гуруҳ талабалари Тошкентда бўлди. Жаҳон тиллари университети талабалари билан олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишлар уларда яхши таассурот қолдирди.

— Ўзбекистонда ўзбек ва француз ижодкор ёшлари кўрикларини ўтказиш яхши анъана туснни олди, — дейди Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасининг атташеси Ш. Кантэн хоним.—Элчихонамиз доирасида уюштирилган талабалар ижодий танловида жаҳон тиллари университети толиби илмлари саҳналаштирган «Антигона» спектакли ижобий баҳо олди. Ижодий фаоллик кўрсатган бир гуруҳ танлов ғолиблари Францияга сафар қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Саккиз нафар француз тили ўқитувчиси Францияда ўз малакасини ошириб қайтди. Франция ўқитувчиларининг илғор иш тажрибалари меҳмонларга манзур бўлди.

«Францияни биз қандай биламиз?» деб номланган танлов ғолиблари ҳам Франция сафарига юборилди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўли билан Руанск университетида билим ва малака ошириб қайтишди.

Ўзбекистон ва Франция халқлари ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг кеча Францияга бошланган сафари ҳар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда янги саҳифалар очади.

Акбар АЛИЕВ,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Меҳнат вазирлиги халқаро Меҳнат ташкилоти билан бамаслаҳат иш тутиб, қатор масалаларни ижобий ҳал этишга эришиб келмоқда. Яқинда ушбу нуфузли муассасанинг бир гуруҳ вакиллари Тошкентда бўлиб, вазирлик тизими фаолияти билан атрофлича танишдилар.

Қишлоқ хўжалик кадрларини янги касбларга ўқитиш ва иш билан таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилган. Вазирлик тизимида мутахассисларни ривожланган мамлакатларда малакасини ошириш билан бевосита шуғулланишга ҳам киришилди.

Шу мақсадда яқин келгусига мўлжалланган аниқ режалар ҳам белгилаб олинди. Швейцария ва Италия ҳам ўзбекистонлик мутахассислар учун билим ва малака ошириш диёрларига айланади. Шу мақсадда бир гуруҳ мутахассис яқин орада бу давлатларга сафарга отланади.

Азим АЗИЗОВ.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар, қадрдонларим!

Сизларнинг 470 минг тонналик сифатли пахта тайёрлаб Мустақил давлатимизнинг залворли хирмонига улкан ҳисса қўшганингиз ҳақидаги хушхабардан беҳад шодландим. Қашқадарё воҳасининг қўриқ еридан дуру жавоҳир ундираётган меҳнатсевар, сабр-матонатли фидокор — сиз, азиз қадрдонларимни бу қувонч билан чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Сиз етиштирган бу бебаҳо бойлик мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги мавқеини янада мустаҳкамлашга, дастурхонимизнинг файзли, баракали бўлишига, халқимиз турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилади. Ишончим комилки, қашқадарёлик меҳнаткашлар ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида ҳам жонбозлик кўрсатиб, юксак довонларни эгаллайдилар, она юртимизнинг равнақи, гуллаб-яшнаши ва буюк давлатлар қаторидан ўрин олишида ўзларининг бор куч, билим, қобилият ва тажрибаларини ишга соладилар.

Ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик, омонлик, оилавий бахт ва саодатли кунлар, илоҳим, ҳар доим насиб этсин. Хайрли ва эзгу ишларингизда яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Самарқанд ва Наманган вилоятлари фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Кеча бўлиб ўтган Тошкент шаҳар тиббиёт ходимларининг йиғилишида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда юртбошимизнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

● Тошкент молия институтида Германиядан келган бир гуруҳ мутахассислар иштирокида ўтказилган семинар бозор муносабатларига ўтиш шароитларида давлат мавзусига бағишланди.

● Тошкентда биринчи ўзбек-турк қўшма банкининг очилиш маросими бўлди. Унда сўзга чиққанлар ушбу қўшма банкнинг Ўзбекистонга чет эл сармояларини жалб этиш орқали республика иқтисодиётини ривожлантиришга қўшадиган салмоқли ҳиссасини таъкидлаб ўтдилар.

● Тошкентдаги самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси йил охирига қадар ИЛ—76 самолётларидан еттитасини Хитойга етказиб берадиган бўлди. Бирлашмада ИЛ—114 янги пассажир самолётини йиғиш ишлари бошлаб юборилди.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Сахалин вилоятига иқтисодий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. Сахалиндаги кўмир конларини сақлаш учун 15 миллиард сўм ажратилади.

● Чоршанба куни Озарбайжонга Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ташриф билан келди. Ташриф чоғида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги 40 га яқин ҳужжат имзоланди.

● Сухумида бўлиб ўтган Шимолий Кавказ халқлари Конфедерациясининг сессияси Россия Президенти Борис Ельцинга Абхазияга қарши иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш, вайрон бўлган барча ерларни қайта тиклашга ёрдам кўрсатишни илтимос қилиб мурожаат этди.

● Коми Республикаси Олий Кенгашининг сессияси Қонунчилик Йиғилишларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● 29 октябрдан бошлаб Москвада нонларга эркин нарх қўйилади. Бир буханка қора нон 220—240 сўм бўлади.

● Россия Бош вазирининг ўринбосари А. Шохин Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олтита давлати пул тизимини бирлаштириш муаммолари бўйича матбуот йиғилиши ўтказди.

ХОРИЖДА

● Исроилдан инсонийлик юклари ортилган самолёт Тбилисига келди. Маълумки, бундан бир неча кун муқаддам Исроил радиоси Эдуард Шеварднадзенинг унинг мамлакатига зудлик билан ёрдам кўрсатишни сўраб қилган мурожаатини эшиттирган эди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Гаити қуролли кучлари бош қўмондонининг истеъфога чиқишини талаб қилди ва қўшимча жазо чоралари қўллаш имкониятлари тўғрисида огоҳлантирди.

● 59 ёшли Жан Кретьен либерал партия ғалабасидан сўнг Канаданинг ҳисоб бўйича йигирманчи бош вазири бўлди. Шуниси қизиқки, Жан Кретьен оиладаги ўн саккизинчи фарзанд бўлиб, ана шу шуҳрат пиллапоясига мустақил равишда ўз кучи билан чиқди.

● Варшавада Польша янги ҳукуматининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

● Ҳозир ҳамма алоқа бўлимларида оммавий нашрларга обуна бормоқда. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг ишчи ва хизматчилари бозор иқтисодиёти туфайли газета ва журналларга обуна нархи кўтарилиб кетганига қарамай ўзлари ёқтирган нашрларга ёзилишни унутишмаяпти. Хўш, бу тадбир 110 мингдан зиёд аҳолиси бўлган Яккасарой туманида қандай амалга оширилмоқда? Биз шу ҳақда сўзлаб беришни туман ҳокими ўринбосари Шуҳрат Акбаровдан илтимос қилдик.

— Ҳозир ҳудудимизда обунага расмийлаштириш қизғин паллага кирди, десам янглишмайман. Чунки бизда бу ишга тайёргарлик анча эрта бошланганди. Биринчи навбатда бутун корхона раҳбарлари ва маҳалла фаоллари билан тўпланишиб бу хусусда суҳбат ўтказдик. Йиғилганларнинг таклиф ва истаклари билан қизиқдик. Очиғи уларнинг кўпчилиги бу йил «Тошкент оқшоми» газетасига ёзилиш истагини билдиришди. «Бу газетада айнан шаҳар ҳаёти, хусусан туманимиз янгиликлари, маҳаллалар ва корхоналарда меҳнат қилаётган ишчиларнинг кундалик турмуш тарзи яхши ёритилади. Шунинг учун ҳам «Оқшом» бизнинг севимли газетамизга айланиб қолган», — дейишди бир овоздан йиғилганлар.

Ўша кундан бошлабоқ туманимиздаги мавжуд 24 та йирик саноат корхоналари ҳамда турли фирмаларда обуна ўзига хос усулда олиб борилмоқда.

Куни кеча Тошкент тўқимачилик комбинати ипгазлама ишлаб чиқариш бирлашмасидан хабар қилишларича ўз севимли газеталарига обунани расмийлаштиргандар сони 30 кишини ташкил қилибди. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам мана шунга яқин рақам қайд қилинган. Шунингдек «Садаф» ишлаб чиқариш бирлашмасида обуна бўлганлар сони эса бугунгача 20 кишини ташкил этади.

Маҳаллаларимизда бу иш ёмон бормаяпти. Айниқса бу хусусда «Яккасарой» маҳалласи ибрат кўрсатмоқда.

Шуни ҳам қайд қилишим керакки, туманимизда обуна мавсумини сust ўтказаётган корхоналар ҳам топилади. Шулар жумласига 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасини киритиш мумкин. Маълумки, бу корхона ҳар йили обуна даврида пешқадамликни қўлдан бермай келарди. Аммо унинг бу йилги натижалари бизни қониқтирмаяпти. Ўйлаймизки, тез кунларда ушбу бирлашмада ҳам обунага расмийлаштириш ишлари тезлаштириб юборилади.

Бир сўз билан айтганда, туманимизда фақат «Оқшом» газетаси учун обуна бўладиганлар сони 800—1000 кишига бориб етади. Бу албатта дастлабки тахминий ҳисоб

Суҳбатдош Маҳмуд ОРИПОВ.

** Обуна—94*

ЎЗИГА ХОС УСУЛДА

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

ДАРҲАҚИҚАТ ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида имкон топиб ишлаган, тадбиркорлик асосида иш юритган киши асло ютқазмайди. Бу гап газета ва журналларга обунани намунали ташкил этаётган меҳнат жамоаларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Буни биз Яккасарой туманидаги бир қатор корхоналар ва маҳаллалар мисолида кўриб турибмиз. Шундай экан шаҳримизнинг бошқа туманларидаги жамоалар ҳам имкониятларни ишга солиб ўзлари севган «Оқшом» газетасига обунани расмийлаштирадилар деб умид қиламиз.

Шу кунларда бошқа нашрлар қатори «Тошкент оқшоми»га ҳам барча алоқа бўлимларида ҳеч чеклашларсиз 1994 йилга обуна давом этмоқда. У келаси йили ҳам республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги ўз муштарийлари хонадонига кириб боради. Бинобарин газетанинг республикамизнинг ҳамма ерида кўплаб обуначилари бор. Ўйлаймизки бу галги обуна кезларида ҳам республикамиз вилоятлари, туманлари ва шаҳарларидаги газетамиз ихлосмандлари яна ҳиммат кўрсатиб ўзлари севган «Оқшом» газетасига 1994 йил учун обунани тез кунлар ичида расмийлаштиришга эришадилар. Шундай қилган кишилар эса асло ютқазмайдилар. Йил бўйи «Оқшом» газетаси уларнинг хонадонига ўзи кириб боради, у кишиларимизнинг энг яқин ҳамроҳи ва маслаҳатгўйига айланади.

1994 йилда ҳам ҳафтасига беш марта чиқадиган «Оқшом»нинг обуна баҳосини яна бир бор эслатиб ўтамиз:

- БИР ОЙГА — 1885 СЎМ
- УЧ ОЙГА — 5655 СЎМ
- ОЛТИ ОЙГА — 11.310 СЎМ
- БИР ЙИЛГА — 22.620 СЎМ.

Азиз муштарийлар! «Оқшом» — Сизнинг газетангиз. Шунинг учун унга ўз вақтида обунани расмийлаштириб қўйинг. «Тошкент оқшоми»нинг индекси 64690 эканлигини унутманг.

«ОҚШОМ» СОВРИНИ УЧУН

«МЕҲНАТ ўринбосарлари» спорт иншоотида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари совринни учун дзю-до бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Қозоғистон, Россия вакиллари моддий қийинчиликлар туфайли етиб келолмаган бўлсаларда ғолиблик учун даъвогарлар — Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари спортчилари қизғин кураш олиб бордилар.

Мусобақага «Экомедсервиспром», АССИД фирмалари ҳомийлик қилдилар. Қуйидаги тошкентлик спортчилар ўз вазн тоифаларида ғалаба нашидасини сурдилар: катталар ўртасида — Темур Муҳаммадхонов, Владимир Шманов, Армен Богдасаров; ўсмирлар ўртасида — Владислав Ли, Зуроб Шамаев.

Шоҳсупанинг биринчи поғонасидан ўрин олган спортчиларга 3 минг сўм, иккинчи ўринга — 2 минг сўм, учинчи ўринни забт этган спортчиларга — 1 минг сўм мукофот пули ва «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

ВАТАН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

Аввал хабар берганимиздек, 22 октябрь куни Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи видеотасвирини кўрдилар.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар Ҳокими **А. И. Фозилбеков** «Тошкент шаҳар фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида «Ватан, эл манфаати — муқаддасдир» нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча идоралари ишидаги катта камчиликлар ва нуқсонлар очиб ташланди, — деди нотиқ. — Худди ана шундай муаммолар Тошкент шаҳрида ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Президентимиз нутқида чуқур таҳлил қилиб чиқишимиз зарур бўлган йўналишлар аниқ кўрсатиб берилган. Бугунги фаолларимиз йиғилишининг вазифаси ҳам шаҳар хўжалиги яхширивожланишига халақит бераётган, республика ҳукумати томонидан ўтказилаётган ислоҳотлар амалга ошиши учун ғов бўлаётган тўсиқларни ўзимиз аниқлаш ва бартараф этишдан иборатдир.

Ҳар бир шаҳар, ҳар бир вилоятнинг ўз хусусиятлари бор, албатта. Аммо Президентимиз нутқида кўрсатиб ўтилганидек, барча вилоятлар учун умумий бўлган муаммо ва камчиликлар бордир. Тошкент бундан мустасно эмас.

Энг аввало бу кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни тўғри ҳал қилиш масаласидир. Бугун баъзи бир раҳбарларимиз ҳозирги давр талабларига тўлиқ жавоб бера олмаётганликлари маълум. Агар уларнинг амалий ишларига қараб баҳо берадиган бўлсак, кўпгина раҳбарлар эгаллаб турган лавозимини янги шароитларда ишлай оладиганларга бўшатиб бериши керак.

Кўпгина корхоналар амалда фақат «Ўзлари» учун ишламоқдалар. — деди А. И. Фозилбеков. — Улар нарх-навони ошириш ҳисобига кун кечиряптилар. Буни ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан камайтириб юборган 15 та корхонада ходимлар сони камайибгина қолмасдан, ҳатто кўпайгани ҳам кўрсатмоқда.

Масалан, лак-бўёқ заводида (Парижер И. Б.) маҳсулот ишлаб чиқариш 20 фоизга камайгани ҳолда, ходимлар сони 47 кишига ортган. «Ўзбекистон темир йўл таъмирлаш машина» ишлаб чиқариш бирлашмасида (Мартьянов М. В.) ишлаб чиқариш 11 фоизга камайгани ҳолда ходимлар сони 125 кишига кўпайган. «Иккиламчи қора металл» хўжалик ҳисобидаги бошқармада (Аҳмедов Э. А.) ишлаб чиқариш 14 фоизга камайгану ходимлар эса 29 кишига кўпайган.

Шаҳардаги 70 та саноат корхонасида меҳнат унумдорлиги пасайди. Фақат шу ҳисобга 7 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Капитал қурилишдаги аҳвол ҳам қониқарли эмас. Ўтган йилга нисбатан умумтаълим мактабларини фойдаланишга топшириш ҳажми 48 фоизга камайиб кетди. Мактабгача тарбия болалар муассасаларини ишга тушириш ҳам камайган.

Шаҳар уйсозлик комбинатлари йилига 730 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қуриш қувватларига эгадир. Бу йил эса бор-йўғи 265 минг квадрат метр ҳажмда уй-жойларни фойдаланишга топширдик. Бунинг устига ишга туширилаётган уй-жойларнинг қиймати шу даражагача етяптики, буни фақат объектив сабаблар билан оқлаб бўлмайди.

Эътибор берган бўлсангиз Президентимиз Сирдарё вилояти кенгашининг сессиясида қўшма ва кичик корхоналар, ширкатлар фаолиятига баҳо бердилар. Тошкентда ҳам аҳвол тахминан худди шундай деб айтишим керак. 12 мингта тадбиркорлик тузилмасидан 6 мингтаси, яъни ярми ишламаяпти. Ўтган саккиз ойлик якунларга кўра шаҳарнинг 50 корхонаси зиён кўрди. Бу зиён кўраётган корхоналарнинг 12 таси қўшма корхоналардир.

Шаҳарга бундай корхоналар нимага керак? Нима учун банклар бундай корхоналарга бефарқ қараб туришибди.

Шаҳар туманлари раҳбарларининг эътибори бу масалага кўп марта қаратилган. Тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириб туриш бўйича бўлимларни нима учун ташкил этганмиз, ахир?

Нима учун туман ҳокимлари рўйхатга олинган тадбиркорлик тузилмаларининг атиги 17 фоизи мол ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғуллангани ҳолда қолганлари воситачилик билан машғул бўлишларини четдан кузатиб турибдилар. Бизга бир киши ишлаб чиқарган маҳсулотни беш киши олиб сотадиган бозорнинг нима кераги бор. Янада ачинарлиси шундаки, бу шароитда маҳсулот ишлаб чиқараётганга қараганда олиб сотаётган кўпроқ даромад қилмоқда.

Тижорат тузилмалари нақд пул ҳисобига ҳисоб-китоб қилаётган келишувлар ҳажми ортиб бораётганлиги ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бунинг оқибатида пул давлат идоралари доирасидан, айниқса солиқ ва банк идоралари назорати остидан ташқарида қолмоқда. Солиқ ва бошқа тўловлар тўланмаслиги оқибатида эса давлат кўп даромадни йўқотяпти.

Воситачи — тижорат дўконларини текшириш шуни кўрсатдики, туман ҳокимликлари улар фаолиятини назорат қилмаяптилар.

Собир Раҳимов туманида вино-арақ лицензиясиз тижорат нархларида сотиляпти. Бунинг устига уларнинг кўпчилик қисми шу ерда ишлаб чиқарилган. Бундай ҳоллар бошқа туманларда ҳам аниқланди.

Туман ҳокимликлари тижорат, тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан олдиларига қўйилган вазифаларнинг уддасидан тўлиқ чиқмаётганликларини таъкидлашим лозим. Тижорат савдоси билан шуғулланиш дуч келган кимсаларга бериляпти. Улар устидан эса бирор назорат ўрнатилмаган. Айни пайтда кишилар хусусий иш очиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда сансалорлик ҳолларидан шикоят қилмоқдалар. Бизга таъмагирлик ҳоллари ҳам маълум.

Туман ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари, зарур тартиб ўрнатишга етарлича эътибор беришлари керак. Ҳаммани бу масалада талабчанлик қатъий бўлиши ҳақида огоҳлантириб қўймоқчиман. Ким астойдил ишламаса, ўзига топширилган иш учун жонкуярлик қилмаса уларни ушлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Туман ҳокимлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарларидан бу масалани алоҳида назорат остига олишни сўрардим. Аҳолига савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган тижорат ташкилотлари фаолиятини назорат қилишнишни қонуний таъминлаш мақсадида туман ҳокимликлари уларга етарли миқдорда касса аппаратлари етказиб берилишини таъминлашлари керак.

Камомад, асоссиз сарф-харажатлар қилиш, хўжасизлик, маблағ ва ресурсларни талон-тарож қилиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш каби ҳолларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш керак.

Соғлиқни сақлаш, аҳоли соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилиш масалаларида ҳам муаммолар кам эмас. Дорихоналарда энг зарур дори-дармонлар топилмайди. Ваҳоланки, ҳудди ана шу дори-дармонларни тижорат дўконларида ва кўчалардаги чайқовчиларда ақл бовар қилмайдиган нархларда учратиш мумкин. Давлат савдо шохобчаларидаги моллар билан чайқов қилиш ҳоллари ҳам давом этяпти.

Ишни шундай йўлга қўйишимиз керакки, шаҳарликлар шаҳар ички ишлар бошқармасида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар билан курашиш бўйича бошқарма ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими борлигини ҳис этсин.

Умуман, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари фаолияти тўғрисида кўп гапириш мумкин. Лекин бу соҳада ишлаётган ҳар бир ходим Президентимизнинг Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини диққат билан таҳлил қилиб чиқса яхшироқ бўларди. Бу нутқда жиноятчиликка қарши курашда республиканинг бошқа вилоятларида ҳам жиддий камчиликлар борлиги очиқ айтилди.

Халқ таълими ва мактабгача тарбия муассасалари ишидаги жиддий камчиликлар бартараф этилмаяпти. Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва болалар боғчаларидаги ўқув-тарбиявий ишлари ушбу тизимга қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Умумий таълим мактабларида 816 нафар ўқитувчи етишмайди. Уларнинг 540 нафари ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблардир. Ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж айниқса аҳолиси зич бўлган Сергели, Шайхонтоҳур, Ҳамза туманларида ўткиридир. Русча мактабларда қонунга биноан давлат тилига ўргатиш юзасидан иш ҳамон бўш олиб борилмоқда.

Сиз йил бошида жиноятчиликка қарши муросасиз курашни кенг авж олдириб юборганлигимиздан яхши хабардорсиз. Шаҳар аҳолиси кўрган чораларимизни маъқуллади ва қўллаб-қувватлади. Натижада турмушимиз анчагина осойишта бўлиб қолди.

Шаҳар ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралари томонидан мунтазам улкан иш олиб борилаётганлигини тан олиш керак. Сизлар Тошкент ўзининг катталиги ва пойтахт мақоми жиҳатидан жуда мураккаб шаҳар эканлигини яхши биласизлар. Шунга қарамасдан биз жиноятчилик кучайиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга оширяпмиз. Тошкент шаҳрида жиноятчиликка қарши кураш услуби Ҳамдўстлик давлатлари бўлган қўшниларимизнигина эмас, балки хорижий мутахассисларни ҳам қизиқтириб қолди. Бу ижобий ҳодиса, албатта.

Бироқ, барча ходимлар ҳам жиноятчиликка қарши курашда зарур даражада қатъият кўрсатмаётганликлари бизни жуда ташвишлантиряпти. Шаҳардаги қатор туманларда жиноятчилик сони ортмоқда. Бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ишидаги камчиликлар, уларнинг вазиятни баҳолай олмасликлари билан боғлиқдир.

Президентимиз ўз нутқларида кадрлар масаласига алоҳида тўхталдилар. Уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жуда нозик иш эканлиги таъкидланди. Агар одам ўз жойида зиммасига юклатилган вазифаларнинг уддасидан чиқаётган экан, бу муваффақиятнинг 50—60 фоизини таъминлайди. Рўйрост айтадиган бўлсак, кадрларни танлашда баъзан уларнинг малакаси, қатъияти, қобилияти эмас, балки шахсий садоқати ҳисобга олинади. Бундай раҳбарлардан халқ манфаатларига чинакамига хизмат қилишни кутиш мумкинми? Бундай раҳбарлар томонидан вужудга келтириладиган муҳит бошқарув натижаларига салбий таъсир кўрсатади.

Биз ўз умидларимизни шаҳримиз фидойилари бўлган ёш кадрлар билан боғлашимиз керак. Бунинг учун ана шундай ёшларни излаш, улар билан олиб бориладиган ташкилий ишларни зарур даражага кўтариш керак.

Бугунги босқичда энг аввало ҳалол, пок, юқори малакали, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак. Улар давлатимиз нуфузи. Ватанимиз манфаатлари учун кучғайратларини аямайдилар.

Туманларнинг ҳокимлари тадбиркорлик тузилмалари ишини мувофиқлаштириш бўйича бўлимларга раҳбарликни мустаҳкамлашлари зарур. Бунда ҳудудларида жойлашган тижорат тузилмалари фаолияти устидан назоратни бўшаштириб юборган, улар самарадорлигини ошириш учун зарур чоралар кўрмаётган, ишламаётган тузилмаларни йўқотмаётган ходимларга қатъий талабчанлик кўрсатиш керак.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки, саноат-қурилиш банки шаҳар бошқармалари, тижорат банклари, шаҳар молия бошқармаси қисқа муддат ичида зарар кўраётган корхоналар фаолиятини ўрганиб чиқишлари керак. Ўз айби бўйича зарар кўрган корхоналарга тегишли чоралар кўрилиши, керак бўлса бу корхоналарнинг рўйхати маҳаллий матбуотда эълон қилиниши лозим.

Бош бошқармалар, уюшма, концерн, бирлашмалар Ўзбекистон Республикаси давлат мулк комитети билан биргаликда бир ой муддат ичида зарар келтираётган кам рентабелли корхона ва ташкилотларни беркитиш ва хусусийлаштириш юзасидан қарорлар қабул қилиши лозим.

Шаҳар молия бошқармаси зарарга ишлаётган корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатишни тўхтатиши лозим. Бошқарма корхона ва ташкилотларнинг зарар кўриши сабабларини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориши керак. Бунинг натижасида юзага келаётган иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда уларнинг бундан буёнги фаолияти юзасидан чуқур асосланган таклифлар ишлаб чиқилиши лозим.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бош бошқармалари, хўжасизлик, асосий фондлардан фойдаланишга бефарқ муносабатда бўлган ва шунинг натижасида зарар кўрган корхона ва ташкилотлар раҳбарларига ҳам ташкилий чоралар кўришлари лозим.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, туманларнинг ҳокимликлари, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси, божхона хизмати, шаҳар ва туман солиқ инспекциялари, истиқболни белгилаш ва статистика бўйича бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларига амал қилмаётган корхона, ташкилот, тижорат тузилмаларига нисбатан тегишли чоралар қўлланилишини таъминлашлари лозим.

Миробод, Мирзо Улуғбек ва Сергели туманларининг ҳокимлари, идора ва концернлар билан биргаликда ходимлар соғлиғи ва фойда миқдори кўпайгани ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга йўл қўйган саноат корхоналарига ҳам тегишли чоралар кўришлари керак.

Капитал қурилиш бўйича бош бошқарма, туман бошқармалари қурилиш мудатларига риоя этиш, қурилиш-монтаж ишларини асоссиз равишда қимматлаштириб юборишга йўл қўймаслик юзасидан таъсирчан чоралар кўришлари зарур.

«Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси, шаҳар ва туман солиқ инспекциялари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, дори-дармонлар уларни сотишга мўлжалланган жойлардагина сотишлари, нарх-наволарга қатъий риоя этишлари юзасидан барча чораларни кўришлари зарур.

Ҳар бир раҳбар ўзига топширилган иш участкаси учун шахсий масъулиятини ҳис этишини истардик, — деди А. И. Фозилбеков. — Шу билан бир қаторда ҳар бир раҳбар давлатимизнинг стратегик вазифаларини ва уни ҳал этишда шахсий ролини тушуниб етиши керак.

Сизлар республика раҳбарияти томонидан ёш давлатимизни мустаҳкамлаш учун улкан куч-ғайратлар сарфланаётганлигини кўриб турибсиз. Бу иш республикамизнинг ўзида ҳам, хорижда ҳам фаол олиб бориляпти.

Табиийки бунда республика пойтахти Тошкент алоҳида роль ўйнайди. Шаҳримиздаги аҳвол республикамиз аҳолисини ҳамиша қизиқтириб келган. Бутун жаҳонда ҳам Тошкентдаги аҳволга қараб Ўзбекистон тўғрисида хулоса чиқаришади.

Ижроия ҳокимият идоралари, бош бошқармалар, бошқарма, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, туман ҳокимликлари республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар билан чуқур танишиб, бу ишларга ўзларининг ижобий ҳиссаларини қўшишлари зарур.

Маъруза юзасидан музокараларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси бошлиғи **Б. С. Камолов** бошлаб берди.

— Давлат назорати ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари қандай бажарилаётганлигини мунтазам текшириб бормоқдалар, — деди нотиқ. — Бу текширишлар ҳамма жойда ҳам ижрочилик интизоми талаб даражасида эмаслигидан далолат бермоқда. Жумладан пойтахтда нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва улар савдосини ташкил этишда жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Уларни бартараф этиш учун қатъий чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, аҳолига меъёр бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда ҳам қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуддир. Бу масалада савдо ходимларига талабчанликни анча кучайтириш керак.

Давлат назорати бўлинмалари ходимларини қўйи синф ўқувчиларини Президентимиз Фармони асосида бепул нонушта билан таъминлашда ҳам камчиликлар учраб тураётганлиги ташвишга солмоқда. «Тошкенттаом» концерни ва шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бу соҳада қатъий тартиб ўрнатиш пайти келди.

Юнусобод тумани ҳокими **А. К. Қосимов** ҳам ишдаги мавжуд камчиликлар ҳақида гапирди. Туманда 840 та тадбиркорлик тузилмаси рўйхатга олинган. Лекин уларнинг атиги 20 фоизигина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Тадбиркорлик тузилмаларининг 40 фоизга яқини фақат воситачилик билан машғулдир.

Кейинги пайтларда бу соҳада тартиб ўрнатишга киришилди. Юздан ортиқ ширкат ўз низомида белгиланган фаолият билан шуғулланмаётганлиги учун ularга берилган гувоҳнома бекор қилинди. Шу билан бир қаторда нотиқнинг фикрича, мулкчиликнинг турли шаклларида ҳақиқий рақобатга шарт-шароит яратиш учун уларга бир хил ёндошиш лозим. Аммо тадбиркорлик тузилмаларининг банкдан қарз олишлари анча қийинлашиб кетяпти.

Шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бошлиғи **К. Қ. Ғафуров** республика пойтахтида жиноятчиликка қарши олиб борилаётган курашга батафсил тўхталди.

— Йил бошида шаҳар фаолларининг йиғилишида жиноятчиликнинг, айниқса уюшган жиноятчиликнинг, давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш, автомобилларни олиб қочиш кўпайиб бораётганлиги ҳақида асосли ташвишлар билдирилган эди, — деди К. Қ. Ғафуров. — Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари Президентимиз кўрсатмалари асосида шаҳар фаолларининг ана шу йиғилиши қарорларини амалга ошира бориб, жиноятчиликнинг пайини қирқиш учун муҳим тадбирларни кўряптилар. Бунинг натижасида шу йилнинг тўққиз ойида шаҳарда жиноятчиликнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 фоиздан кўпроққа камайди.

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **В. Ф. Колядин** ишчилар республика барча аҳолиси каби Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини мамнуният билан кутиб олганликларини айтди.

— Ўзбекистон иқтисодий соҳада ҳақиқий мустақилликка эришиш учун барча зарур чораларни кўраётган экан, моддий бойлик яратувчи меҳнаткашлар нуфузини ошириш жиддий масалага айланяпти, — деди нотиқ. — Очиғини айтадиган бўлсак ишчи касбининг обрўси анча пасайди. Ёшларнинг бир қисми меҳнат қилиб пул топиш ўрнига ўзларини олиб сотарчиликка урмоқда. Ана шундай шароитларда ишчи кадрларни тайёрлаш давлат снёсатига айланиши жуда муҳимдир.

Собир Раҳимов тумани А. Набиев маҳалла комитети раисининг ўринбосари **М. Илҳомов** ўз нутқида жиноятчиликка қарши курашда жамоатчиликнинг вазифаларига тўхталди. Унинг фикрича, бу соҳада ҳуқуқ-тартибот идоралари билан маҳалла аҳлининг куч-ғайратларини бирлаштириш яхши самара бериши мумкин. Шу билан биргаликда милиция участка инспекторлари ишини ҳам фаоллаштиришнинг аҳамияти каттадир. Улар ҳеч бўлмаганда йилига бир марта ўз ҳудудидаги маҳалла аҳли олдида қилган ишлари тўғрисида ҳисоб берадиган бўлсалар, топширилган иш участкаси учун чуқурроқ масъулият ҳис этадиган бўлардилар.

Тошкент шаҳар мева-сабзавот бирлашмаси бошлиғи **С. Шаҳобов** республика раҳбарияти тошкентликларни озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан мева-сабзавот билан узлуксиз таъминлаш учун ҳамма чораларни кўраётганликларини таъкидлади. Ҳукумат томонидан етарлича маблағ, шу жумладан валюта ажратиб берилганлиги натижасида Тошкент шаҳри аҳолиси учун қиш даврига етарли миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари жамғарилиши мўлжалланяпти.

«Тошкентсавдо» концернинг бошлиғи **Ҳ. Р. Шарипов** савдодаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида гапирди.

— Шаҳар аҳолисини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳамма чораларни кўряпмиз, — деди у. — Бунда хорижий шериклар билан қўшма корхоналар ташкил этиш ҳам ижобий натижа бермоқда. Концерн ҳозирнинг ўзида ана шундай бешта қўшма корхона ташкил этди. Бу чет эллардан қўшимча миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари олиб келиш имкониятини туғдирмоқда. Худди шу мақсадда Россия Федерациясидаги йирик шаҳарларда бешта савдо уйи ташкил этилди.

Аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш учун шаҳардаги новвойхоналар 47 тадан 100 тага етказилади. Шунингдек, қандолат цехлари сони 40 тага, тикувчилик цехлари эса 20 тага етади. Бу истеъмол бозорини тўлдириш билан биргаликда қўшимча иш жойлари ташкил этишга ҳам хизмат қилмоқда. «Тошкентсавдо» корхоналарида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ниҳоясига етмоқда. 15 ноябргача савдо шохобчаларини хусусийлаштиришни тугаллаш мўлжалланган. Бу тошкентликларга савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида қилиняпти.

Фаоллар йиғилишида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

СУРАТЛАРДА: шаҳар фаолларининг йиғилишида.

Виктор Багаев суратлари.



Шаҳримизда турар жой бинолари тезкорлик билан қурилмоқда. Сиз суратда Нукус кўчасида қад кўтараётган тўққиз қаватли бино кўринишини кўриб турибсиз.

Виктор Евтропов сурати.

** Истеъмол буюмлари манзурми?*

БОЗОРИ ЧАҚҚОН

ЎЗБЕКИСТОН қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси республиканинг улкан саноат дарғаларидан ҳисобланади. Бирлашманинг сеялка, ҳашак ўриш ва кўрак чувиш машиналари нафақат республикамизда, балки Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ҳамда чет элларда ҳам машҳур. Бир сўз билан айтганда, ҳозир ҳам илгаригидек корхона маҳсулотларига талаб катта.

Шунга қарамасдан бирлашма ўзининг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда халқ истеъмол буюмларига ҳам катта эътибор бермоқда. Чунки бугунги кунда истеъмол бозорини ўрганиш бозор иқтисодиёти талабидир.

Корхона халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни бундан уч-тўрт йил илгариёқ бошлаб юборган эди. Бунинг учун бирлашмада эски техника ўрнига янги, самаралиси ўрнатилди. Бирлашма ҳудудида «Югер», «Феррум», «Ригель» каби янги кичик корхоналар ташкил этилди. Улар кундалик эҳтиёж буюмларини, ташкилот ва шахсий буюртмаларни бажариш билан шуғулланишмоқда. Масалан бирлашма қошида фаолият кўрсатаётган «Пресс» кичик корхонаси ҳозирги кунда пластмасса пиёла ишлаб чиқармоқда. Айни пайтда бу маҳсулотнинг бозори чаққон. «Литейщик» кичик корхонаси эса ташкилот ва муассасаларга металл тўсиқлар ўрнатиш билан шуғулланади.

Бундан ташқари бош корхонанинг ўзида эшик ва ромларга ошиқ-мошиқлар, хаскаш, ҳокандоз, ўқлоқ ва бошқа халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш имкониятини яратмоқда.

Бирлашмада асосий маҳсулотлар билан бирга халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришда бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Масалан металл маҳсулотларини олиб кўрайлик. Корхонага бу хом ашё ҳаво билан сувдек зарур. Чунки бирлашма асосий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ҳам, халқ истеъмол буюмларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам металл маҳсулотларини ишлатади.

Ҳозирги кунда бирлашма металл маҳсулотларнинг асосини Россия ва бошқа Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларидан олади. Илгариги алоқалар бузилиб кетгандан кейин ана шу хом ашёларни олиб келиш кундан-кунга қийинлашиб бормоқда. Лекин бирлашма бу муаммони имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳал қилаётир. Корхонада ишлаб чиқарилаётган сеялка, кўрак чувиш машиналари ва халқ истеъмол буюмларини четга жўнатиб, унинг ўрнига ўзлари учун керак бўлган хом ашё маҳсулотлари олиб келинаётганини бунга мисол тариқасида келтирса бўлади. Айниқса бунда хашак ўриш машиналарини четга сотиш корхонага катта фойда келтирмоқда.

Айни пайтда бирлашмада бўёқни суюлтирувчи суюқликнинг йўқлиги ҳам ишнинг белига тепмоқда. Ишчилар яқинда бу суюқлик ўрнига керосин ишлатиб кўришди. Бироқ, бундан натижа чиққани йўқ.

Юқоридаги муаммоларга қарамасдан корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини мунтазам бажариб келмоқда. Бирлашмада айниқса халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Бош корхонанинг ўзида ана шундай кундалик эҳтиёж молларининг 14 хили ишлаб чиқарилаётгани фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари бирлашма шу йилнинг ўтган ойида режа бўйича 38 миллион 379 минг сўмлик халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариши керак эди. Амалда эса бу рақам 52 миллион 492 минг сўмга етказилди. Яъни, режа 137 фоизга адо этилди.

Ғулом ЮСУПОВ.

Эътиқод чорраҳаларида

МЕН „ЭРК“ ПАРТИЯСИНИ ТАРК ЭТДИМ

Ҳа, ишонаверинг: Мен «Эрк» партиясини тарк этдим. Асосий сабабни лўнда қилиб айтганда, мен ҳеч қачон «Эрк» партиясининг ҳозирги тактик йўлида турмаганман ва уни қўллаб-қувватламаганман.

Ушбу масалани бир бошдан тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Шу йил 25 сентябрда «Эрк» демократик партиясининг навбатдаги IV қурултойи бўлди. Унда партия Марказий Кенгашининг муҳокама қилинган ҳисоботи юзасидан кўпчилик қаторида мен ҳам сўзга чиқдим. Лекин қурултой делегатлари сўзимни охирига қадар етказишимга имкон бермадилар. Мен ўз сўзимни ярим йўлда тўхтатишга мажбур бўлдим. Албатта, ушбу сатрларни ўқиётган ҳар бир киши дарҳол бу воқеанинг сабабини билишга қизиқади: нима сабабдан бу одамнинг сўзини бўлишди экан! Ё бу одам четдан келган, партияга бегона одаммикан! У балким «Эрк» партиясига қарши гапиргандир! Шоди Каримовнинг ўзи ким!

Ана шу ва шунинг сингари бошқа саволларга ўрин қолдирмаслик учун «Эрк» демократик партиясининг қурултойида нима ҳақда гапирганлигимни баён қилишдан олдин ўзим ҳақимда баъзи бир маълумотларни ўқувчи ҳукмига ҳавола қилсам. Мен Тошкент давлат иқтисодиёт доридфунунининг «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида профессор лавозимида ишлайман. Бу олий ўқув даргоҳида 1961 йилдан бери меҳнат қиламан. 1988 йилдан эътиборан «Бирлик» халқ ҳаракати сафларида фаол қатнашдим, унинг биринчи қурултойида тафтиш ҳайъати раиси этиб сайландим. «Бирлик» халқ ҳаракати иккига бўлиниб кетганда, мен Муҳаммад Солиҳ гуруҳи томонида бўлдим. Чунки бу гуруҳ Абдураҳим Пўлатов раҳбарлигидаги бошқа гуруҳга қараганда, курашнинг маърифатли ва ташкилий уюшқоқ йўлини танлаган эди, қуруқ кўча чангитишдан иборат тўс-тўполон ва бебош анархия йўлига қарши чиққанди. Биз Муҳаммад Солиҳ бошчилигида «Эрк» демократик партиясини туздик. Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатиман.

«Эрк» партиясига аъзо бўлганимдан сўнг мени партиянинг раиси Муҳаммад Солиҳ ўз хонасига чақириб:

— «Шоди ака! Мен сизни Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилотига котибликка тавсия қилмоқчиман, йўқ деманг, илтимос. Чунки сизнинг ҳаётий тажрибангиз партияга керак. Ҳозир бу вазифада ишлаб турган Абдулҳай Абдумавлонов ишни эплай олмаяпти», — деди. Мен рози бўлдим. Ҳақиқатдан бу даврда Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича бирорта на партия ячейкаси, на туман партия ташкилоти тузилмаган эди. Ишни нолдан бошлашга тўғри келди. Оллоҳга минг марта шукрким, ҳаракатларимиз зое кетмади, 8—9 ой ичида вилоятнинг тўққиз ва шаҳарнинг саккиз туманида партия ташкилотларини шакллантирдик, туманларда ўнлаб бошланғич партия ташкилотлари вужудга келди, партия аъзоларининг сони муттасил ошиб борди. Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилотининг омма ўртасида обрўси ҳамда таъсири кучайди, партия аъзолари билан идорамиз ходимлари, мажлис залларимиз гавжумлашадиган бўлиб қолди.

Партиянинг ташкилий уюшиб ва шакланиб бораётганлиги кимнидир безовта қилар ва унинг ҳаловатини бузарди. Кимгадир бизнинг иш режамиз ёқмас, кимгадир партия ҳайъатини ўтказиш бўйича ёзиб қўйган эълонларимиз ва ундаги кун тартиби маъқул бўлмасди. Иш шу даражага бориб етдики, «Эрк» партияси марказий бошқарув ҳайъатининг бир гуруҳ аъзолари ҳар доим бизнинг Тошкент бўлими ҳайъати мажлисларига кириб ўтиришни одат қилиб олдилар. Партиявий ишнинг бундай «билимдонлари»: Дилором Исоқова, Ҳамидулла Нурмуҳамедов, Абдулҳай Абдумавлонов, Иброҳим Ҳаққул ва бошқалар бўлиб бизнинг иш юритиш услубимизга қарши чиқиб, тирноқ орасидан кир қидирар ва ҳар доим ҳайъат мажлисини жанжалга айлантирар эдилар. Улар: Нима учун сиз партияга янги аъзоларни Тошкент бўлимида қабул қиласиз? Тошкент ташкилоти учун партия Низоми эмас, балки марказий ҳайъатнинг махсус қарори бор, ана шу қарор асосида ишлашимиз керак. Бу қарорда партияга янги аъзолар қабул қилиш ҳуқуқи Тошкент бўлимига берилмаган, балки марказий ҳайъатга берилган. Мен эса бундай иш услубидан нима қиларимни билмай бошим қотарди. Ахир, партияда ягона Низом бўлгач ҳамма вилоят ва шаҳар ташкилотлари унга бир хил амал қилмайдиларми? Партия Низомида учта партия аъзоси бўлган жойда бошланғич партия бўлими тузиш мумкин ва унга янги аъзолар қабул қилиш ҳуқуқи берилади, дейилган-ку? Улар ўдғайлаб: нега сиз «Эрк» партиясининг бошқа сиёсий партияларга, «Бирлик»ка, Ислом динига муносабати масалаларини ҳайъат кун тартибига киритасиз, деб менинг ҳол-жонимга қўймасдилар ва менинг ҳақимда партия раисига доимий «ахборотлар» етказиб туришарди. Муҳаммад Солиҳ эса ёш гўдаклардек бу «ахборотлар»ни юз фоиз қабул қилар ва дарҳол мени чақириб: «нега сиз Дилоромни хафа қилдингиз, эртасига, нега сиз Иброҳим Ҳаққулни қойдингиз?», нега ундай дедингиз, нега бундай дедингиз, деб масаланинг моҳиятини суриштириб ўтирмасдан, таҳлил қилмасдан сўроққа тутаверарди.

Мен, маълум даражада шаклланган ва уюшган Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилотига котиблик кимгадир керак бўлса керакда деб ўйлаб, раиснинг бунақанги муомаласи-ю, иш услубидан чарчаб партия котиблигидан кетишни сўраб уч марта ариза бердим. Учинчи аризадан сўнг партия ишига келмай қўйдим. Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилотига котиблик яна ўша Абдулҳай Абдумавлоновга топширилди.

Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилотида иш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан илгариги тузилган ва шакллантирилган партия ташкилотлари ҳам ўз фаолиятларини тўхтатиб қўйдилар. Партия раиси Муҳаммад Солиҳ Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилоти ҳайъати ҳамда унинг фаолларидан Ҳафиза Насруллаева, Набижон Усмонов, Хуррам Ашуров ва бошқаларнинг талаби билан Тошкент шаҳар партия фаоллари анжуманини чақириб шаҳар билан вилоят партия ташкилотини бўлиб, кечирим сўраб, мени Тошкент шаҳар партия ташкилоти котиблигига тавсия қилди, Абдулҳай Абдумавлонов эса Тошкент вилоят партия ташкилоти котиблигида қолдирилди. Айтмоқчиманки, ана шу ўтган давр мобайнида партия раиси Муҳаммад Солиҳ ишонган ва суянган Дилором Исоқова, Ҳамидулла Нурмуҳамедов, Абдулҳай Абдумавлонов ва бошқалар Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилотига шу даражада қаттиқ зарба бердиларки, бу зарбадан сўнг партия ташкилоти ўзини ҳамон ўнглаб ололмаётир. Тошкент шаҳар, туман ташкилотларини шу пайтга қадар қайтадан тиклаб бўлмаётир. Тошкент вилоят партия ташкилоти эса Абдулҳай Абдумавлонов бошчилигида батамом инқирозга учради. Буни биз яқинда бўлиб ўтган «Эрк» демократик партияси қурултойида бирорта ҳам партия аъзоси делегат бўлиб қатнашмаганлиги мисолида ёрқин кўришимиз мумкин. Партиянинг янги сайланган Марказий Кенгаши таркибига барча вилоятлардан учтадан вакил киргани ҳолда, пойтахт вилояти номидан Тошкент шаҳрида яшовчи ва вилоятга алоқаси бўлмаган Ҳамидулла Нурмуҳамедовнинг киритилиши Тошкент вилоятида «Эрк» партия ташкилоти сифатида тугаганлигини кўрсатади.

Шу ўринда яна битта муҳим масалага албатта эътибор бериш лозим. Юқорида номлари тилга олинган «арбоб»ларнинг «жонкуярлиги», партия фаоллари ўртасида олиб борган парокандалик ишларининг меваси ўлароқ партия марказий ҳайъати деярли ўз фаолиятини тўхтатиш даражасига бориб етди, партия идорасига одамлар кам келадиган бўлиб қолдилар. Ғаламислик ва турган битгани фитналикдан иборат бу сохта демократия «доҳий»ларининг қиладиган ҳатти-ҳаракатлари оддий одамларнинг етти ухлаб бир марта тушига ҳам кирмайди. Оддий бир мисолни олинг: 1993 йил 16 майда «Эрк» партияси Марказий Кенгаши мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва барча фуқароларга қарата мурожаат қилинди ва уларни тинчлик, осойишталик ҳамда миллий бирликка даъват этилди. Партиянинг навбатдаги қурултойини 1993 йил август ойининг иккинчи ярмида ўтказиш белгиланди. Марказий Кенгаш пленуми Бош котиб вазифасини бажариб турган Содиқжон Йигиталиева ва менга расмий ҳокимият билан мулоқот ва ҳамкорлик асосида иш олиб боришга ваколат берди. М. Солиҳ Марказий Кенгаш мажлисида иштирок этмади, чунки у 1993 йил май ойининг бошларидан бери чет элда истиқомат қилмоқда эди.

Кечқурун уйда ўтирсам телефон жиринглаб қолди. Муҳаммад Солиҳ қисқача саломаликдан сўнг:

— «Шоди ака, ҳеч қандай қурултой августда бўлмайди. Ҳозир қурултой мавриди эмас. Қурултойни кейин қиламиз»,— деди. Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Партия Марказий Кенгашининг қурултой тўғрисидаги қарорини партия раиси бир чақага ҳам олмаса-я. Ахир унинг ўзи партия қурултойини июнь ойига белгилаган эди-ку.

Эртаси куни «Эрк» партияси идорасига келсам, Тошкент шаҳар партия ташкилотининг иш юритувчиси Қаҳрамон Эшмуродов қўлимга ариза тутди. Унда: партия марказий ҳайъатининг котиби Ҳамидулла Нурмуҳамедовнинг буйруғига асосан вақтинча партия идорасида ишлаб турган Сафар Урганжи (Марказий Кенгаш аъзоси) шаҳар партия ташкилотининг муҳрини олиб темир сандиққа солиб қўйганлиги ёзилган экан. Мен тушунмадим. Ахир муҳр Тошкент шаҳар партия ташкилотиники бўлса, Ҳамидулла Нурмуҳамедов ким ўзи? «Эрк» котиби Сафар Урганжи-чи? Партия Марказий Кенгашининг аъзоси... Шаҳар партия ташкилотининг муҳрини тортиб олишга ким ҳуқуқ берди уларга? Бундай «демократларча» тартибқоида «Эрк» партиясидан бошқа яна қайси партияда бор? Кейин маълум бўлишича, Муҳаммад Солиҳ Содиқжон Йигиталиевни ва мени сотқинга чиқарибди. Содиқжон Йигиталиев билан Шоди Каримовнинг «сотқинлиги»нинг моҳияти нимадан иборат эди? Уларнинг «сотқинлиги» партия аъзоларини, барча фуқароларни, тинчлик ва осойишталикка, миллий бирликни таъминлашга қаратилган Мурожаат партия Марказий Кенгаши пленумида фақат бир киши қарши чиққан ҳолда қабул қилинган эди. Бундай ҳаракат сотқинлик, партияга хиёнат бўлса, мен бундай ҳаракатни ҳар куни қилишга, агар керак бўлса «Эрк» партиясидан чиқиб бўлсада, бу ҳаракатни давом эттиришга тайёрман!

Тошкент шаҳар партия ташкилотининг муҳрини олиб қўйганлар Шоди Каримов бу муҳрни қандайдир ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатмасин тағин деб шубҳаланган, ҳадиксираган бўлсалар керак. Чунки ҳар бир одам бошқа бировларни ҳам ўзига ўхшатар экан, ўзи ўғри бўлса бошқа бировни ҳам ўғри деб ҳисоблар экан. Аммо ҳаёт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди. Ўзбекистондаги рўзномаларда босилган «Ўғри ким?» мақоласини ўқиган ҳар бир инсон сизларнинг кимлигингизни билиб олди. Оғзида миллат, халқ, озодлик, демократия?... Амалда-чи?

Мен Муҳаммад Солиҳга қуйидагиларни айтмоқчиман:

Миллат ва юрт фидойиси бўлган ўнлаб, юзлаб ҳақиқий «эрк»чилар туфайлигина сиз Муҳаммад Солиҳ бўлдингиз, ўз номзодингизни Ўзбекистон Президентлигига қўйдингиз, 1200 мингдан ортиқ сайловчи сизга овоз берди. Ўзбекистон халқ депутати бўлдингиз... Бу ютуқлар сизни эсанкиратиб қўйди, сиз осмону фалакка чиқиб кетдингиз. Сиз биз каби фидойиларга раҳматлар айтиш ўрнига еттинчи самодан туриб юзимизга тупураяпсиз.

Сиз ўзининг шахсий манфаатини партия ва халқ манфаатидан юқори қўядиган, мансаб ва ҳокимият оғушида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, керак бўлса бу йўлда фуқаролар қонини тўкиб бўлсада, раҳбарлик шоҳсупасига чиқиш орзусида юрган, амбицияга берилган шахс бўлиб чиқдингиз. Суҳбатларимизда сиз ҳар доим «10—15 одамнинг қони тўкилса ҳам майли, бу халқнинг кўзини очади» дер эдингиз. Бу гапларнинг маъзини мана энди мен чақяпман. Яна бу жанобларнинг Ўзбекистонда демократия йўқ, инсоний ҳуқуқлар бўғилаяпти деб айюҳаннос солишганига ҳайрон қоласан киши. Сизнингча нима қилиш керак? Ўғрига ҳам, безорига ҳам кўча чангитиб юрадиган тўполончига ҳам давлат йўл қўйиб, ўзи томошабин бўлиб кузатиб қараб турса, шу демократия бўладими? Еки демократия ҳокимият тепасига фақат Муҳаммад Солиҳ келсагина амалга ошган бўладими? Барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар Ўзбекистон қонунлари ва Конституция доирасидан чиқмасликлари, унга бўйсунишдари керак эмасми? Хусусан Президентлик сайловида ғалабани бой берган Муҳаммад Солиҳ, айниқса, ўз қадамини одоб ва ахлоқ доирасида ўйлаб босиши керак эди-ку. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда рухсат этилмаган митингларни белгилаш, Президентга қарши китобчалар чиқариш, депутатлик мандатини намойишкорона ташлаб чиқиб кетиш каби ҳаракатлар ақлли, фаросатли ва ҳаётий тажрибага эга бўлган кишининг ишими? Бу ҳаракатларни ҳар бир киши Муҳаммад Солиҳ Президент бўлолмагач аламидан қилаяпти, деб ўйламайдими?

Икки оғиз «Эрк» ҳафтаномаси ҳақида. Бу ҳафтанома саҳифаларида Ўзбекистондаги ҳаёт фақат қора бўёқларда ёритилди. Ким ишонади бундай афсонага? Бу ҳам майли. Адолат, ҳақиқат ва тўғрилик «ҳимоячилари» бўлмиш «Эрк» таҳририяти ходимлари ҳафтанома саҳифаларида эълон қилинган мақолаларнинг қалам ҳақларини муаллифларга бермасдан ўзлари имзо чекиб олсалар бунга ким айбдор? Ҳукумат «Эрк»ка, ҳафтанома муҳарририятига раҳматлар айтиб, мукофотга тавсия этсинми? Ҳақиқатчи, адолатпарвар бўлсанг, олдин бу ишни ўзингдан бошламайсанми?

Энди «Эрк» демократик партиясининг IV қурултойида менинг тугалланмай қолган нутқим мазмуни билан танишсангиз бўлади. Мен ўз чиқишимни ўқиб эшиттиришдан олдин «Эрк» партияси Марказий Кенгашининг партия қурултойига ҳисоботи юзасидан партия раиси Муҳаммад Солиҳ, партия марказий ҳайъатининг котиблари Абдулҳай Абдумавлонов ва Отаназар Ориповларнинг берган ҳисоботлари (агар уларни ҳисобот деб айтиш мумкин бўлса) ҳақида ўзимнинг муносабатимни билдирмоқчи эдим.

Шахсан мен партия раиси Муҳаммад Солиҳнинг магнитофон лентасидан кўчириб олиб Намоз Маматқулов («Эрк» партияси Сурхондарё вилоят котиби) томонидан ўқиб эшиттирилган матнини партия қурултойига раиснинг ҳисоботи деб ҳисоблайман. Бу матн маърифий характердаги эҳтирос билан ёзилган маъруза бўлиб, одамларнинг руҳий ҳолатларига психик томондан таъсир қилиб қиздирадиган ва уларни қўзғалиш ва жонланишга қаратилгандир. Унда Президент ва ҳукумат шаънига бўҳтонлар билан айтилган анча дўқ-пўписа ва баландпарвоз жумлалар бор. Бундай маърузани ҳар қандай ёзувчи, олим ёки зиёли Муҳаммад Солиҳга қараганда ҳам зўрроқ ва кучлироқ эҳтирос ва илҳом билан қойилмақом қилиб ёзиб бериши мумкин эди. Партия раиси Муҳаммад Солиҳ ушбу қурултойга маърифий эҳтиросли маъруза эмас, балки партия Марказий Кенгашининг, партия раисининг ҳисоботини ёзиб юбориши керак эди. Унда ҳисобот даврида қилинган партиявий-сиёсий ва ташкилий ишлар атрофлича таҳлил қилиниши, партиявий фаолиятдаги ижобий ва ибратомуз ишлар, йўл қўйилган хатоликлар, камчилик ва нуқсонлар, уларнинг сабаблари юқори назарий ва сиёсий даражада очиб берилиши, бу хато ва камчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатилиши, ҳозирги босқичда партия олдида турган асосий вазифалар, партиянинг стратегик ва тактик йўли асослаб берилиши лозим. Минг афсус, маъруза биз кутгандек бўлмади, эҳтирос, ҳукуматга, Президентга бўҳтон биринчи ўринда бўлди. Марказий ҳайъат котиби Абдулҳай Абдумавлоновнинг чиқишини ҳозир ҳаммамиз тингладик, у қуруқ олди-қочди гаплардан иборат бўлди, чунки котибнинг ўзи ҳисобот даврида деярли ҳеч қандай фойдали партиявий фаолият кўрсатмади деса бўлади. Марказий ҳайъатнинг яна бир котиби Отаназар Ориповга, унинг отасига минг раҳмат: у ҳеч яширмасдан камтарона бир тарзда бўйнига олиб, мен айтарлик ҳеч нарса иш қилмадим, деб қўя қолди.

Икки оғиз сўз «Эрк» партияси Марказий Кенгашининг Бош котиби вазифасини охирги пайтда бажариб келган Содиқжон Йигиталиевнинг ҳисобот маърузаси ҳақида. Унда «Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти холис, оқилона ва зийраклик билан таҳлил қилинди, партиянинг ҳозирги даврдаги асосий вазифалари ва тактикаси асосланди.

Энди мен «Эрк» демократик партияси Марказий Кенгаши, ҳайъати ва раисининг ҳисобот давридаги фаолиятига муносабатимни баён қилишга ўтсам. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда «Эрк» демократик партияси ўз бошидан бўҳронли кунларни кечирмоқда. Бу бўҳрон партиямиз фаолиятининг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олди, яъни ҳам сиёсий, ҳам ғоявий ва ҳам ташкилий жиҳатдан партия боши берк кўчага кириб қолди. Партия билан оммани боғлаб турган энг муҳим восита бўлган «Эрк» ҳафтаномасини чиқаришдан маҳрум бўлдик. Иккинчидан эса, омма билан партия ўртасидаги алоқанинг яна бир муҳим воситаси бўлган парламент трибунасини қўлдан бой бердик, бой бердик эмас, ўз ихтиёримиз билан онгли суратда уни ташлаб чиқиб кетдик.

Юқоридаги сабабларга кўра партиянинг омма ўртасидаги фаолият доираси торайиб кетди, у сектага айланиб қолди. Қонуний савол туғилади. Партиянинг бундай аҳволга тушиб қолиши илдизлари, унинг асосий сабаблари қаерда? Албатта, баъзи бир қалтабин сиёсатдонлар ҳамма айбни ҳукумат ва Президент олиб бораётган сиёсатга тўнкашлари мумкин. Иш бор жойда камчилик албатта бўлади. Бироқ партиянинг ҳозиргидек оғир ва ачинарли бир аҳволга тушиб қолганлигининг энг асосий айбдори ва сабабчиси деб партия раҳбариятини, унинг сиёсат майдонидаги нўноқлиги, йўл қўйган хато ва камчиликлардан хулоса чиқара билмаслик деб ҳисоблайман. Улар нималардан иборат? Бу аввало назарий савиянинг қашшоқлиги, партиявий ташкилий ишларда саводсизлик, уқувсизлик, партиявий ташкилотчиликнинг йўқлиги, сиёсат бобида қалтабинлик, узоқни кўра билмаслик, ҳаётий тажрибасизлик, ахлоқ-одоб ва оддий инсоний муомалалардаги нуқсонлар, қўполлик ва ғаллалик, «сўл»ларча радикаллик, ўзидан бошқани тан олмаслик ва «мен» касаллигига мубталолик, маҳаллийчиликдир.

Бу санаб ўтилган камчилик ва нуқсонлар бир-бири билан ўта чамбарчас боғланган бўлиб, ўз фаолиятини миллат ва халқ тақдирига бахшида этган «Эрк» демократик партияси фаоллари учун хусусан унинг етакчиси учун кечириб бўлмайдиган хавфли камчилик ва нуқсонлардир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, етарли даражада ҳаётий тажриба ва назарий савияга эга бўлмасдан туриб, оппозицион партия фаолиятига раҳбарлик қилиш, уни бошқариш мумкинми? Назария партияга жамият тараққиётининг объектив ривожланиш қонунларини пайқаш ва кўра билиш, ҳар қандай шароитда ҳам адашмасдан, янглишмасдан тўғри ва оқилона йўлни танлашга ёрдам беради. У асосий стратегик йўлдан чекинмаган ҳолда турли даврларда турлича тактик йўлни қўллаш имкониятини туғдиради.

«Эрк» партиясининг раҳбарияти эса ана шу назарий, ғоявий қашшоқлик оқибатида СССР мавжудлиги даврида ҳам, СССР қулагач Мустақил Ўзбекистон вужудга келган шароитда ҳам бир хил кураш тактикаси йўлини танлади. Объектив тараққиёт қонуни бу йўлни қабул қилмади, уни инкор этди. Холбуки партиямиз собиқ СССР шароитида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини таъминлаш учун ўша даврдаги шароитдан келиб чиқиб курашган ва тўғри қилган эди.

Энди-чи? Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришган бугунги кунда аҳвол қалай?

Ўзбекистон ҳукумати, унинг Президенти бугунги кунда ўзбек тилига, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигига қаршимми? Йўқ, албатта. Аксинча ўзбек тилининг ривожи ва равнақи учун жон куйдирмоқда, Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлашга фидойилик қилмоқда. Бундай шароитда партиямизнинг позицияси қандай бўлиши керак? Унинг тактикаси кураш усули-чи? Ахир биз ушбу масалаларда Президент билан ҳамфикр, ҳамдард якдил ва ҳамкор бўлишимиз керак эмас-ми? Биз ушбу масалаларда Президент атрофида уюшиб, республикадаги барча кучлар, сиёсий партиялар барча демократик ҳаракатлар ҳамкорлиги ва бирлигини таъминлаб КПСС ва СССРни тиклаш учун ҳаракат қилаётган кучларга қарши кураш жабҳасини тузишимиз лозим эмасми? КПСС ва СССРни тиклашни қўмсаётган ва орзу қилаётган кучлар Ўзбекистонимизнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам бор эканлигидан ким кўз юма олади? Турли сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳар хил важ-корсонларни рўкач қилиб, аравани ҳар томонга қуруқ олиб қочиб, миллий бирлик ва ҳамкорлигимизни, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини хавф ва таҳлика остига қўймаётганликларига бугунги кунда ким кафолат бера олади?!

Биз ўтиш даврида турибмиз, Ўзбекистонимиз ўз давлат мустақиллигининг эндигина икки йиллигини нишонлади. Ўзбекистонда демократия йўқ, деб «Озодлик», «Свобода» ва бошқа тармоқлар орқали ўз она юртимизга қора балчиқни сочаверган билан аҳвол ўзгарадими? Қонуний савол туғилади: СССР парчаланиб ўзининг давлат мустақиллигига эришган иттифоқчи республикаларнинг қайси бирида демократик жараённи йўлга қўйишдаги тажрибаси бизга ўрнак-намуна бўла олади? Россия тажрибасими? Балки минг-минглаб одамларнинг қирғин бўлишига сабаб бўлаётган Гуржистон, Арманистон ва Озорлар тажрибаси бизга намунадир? Еки қон-қондош қўшнимиз Тожикистон тажрибаси бизга қўл келадими? Йўқ, албатта. Биз ҳаётга очиқ кўз билан қарамоғимиз керак. Мураккаб тарихий бир ўтиш жараёнида ақл ва фаросат, билан иш тутиш лозим. Бу ўринда доно халқимизнинг «етти ўлчаб бир кес» деган нақлига амал қилайлик. Халқимиз учун бугунги ўтиш даврида объектив ва субъектив сабабларга кўра мавжуд бўлган қийинчиликлардан кўз юммаган ҳолда истиқболи улуғ ва қудратли Ўзбекистонимизни барпо этиш ишончи билан нафас олайлик. Бунинг учун ҳозирги кунда олдимизда фақат битта йўл бор, у ҳам бўлса, миллий ҳамкорлик йўлидир. Ана шу ғоя атрофида бирлашмас эканмиз, бир гина-кудратлар билан аравани турли томонларга олиб қочар эканмиз, келажаги буюк ва қудратли мустақил Ўзбекистонга кўз тикиб бўлмайди. Биз унда учинчи марта миллий мустақиллигимизни қўлдан бой берамиз. Энди иккинчи энг муҳим масала — партиянинг ўзи ҳақида нима дейиш мумкин? Партиямиз раҳбарияти партиянинг ўзи нима эканлигини яхши биладими? Партия ягона маслак, ягона дунёқараш ва ғоялар бирлиги асосида шаклланган фидойи кишилар йиғиндиси эканлигини, барча партия аъзолари учун бир хил интизом бўлишлигини, партия фаолияти демократик жараён асосида қурилиши, танқид ва ўз-ўзини танқид партия ривожи учун ғоятда катта аҳамиятга эга эканлигини раҳбарият тушунадими? Агар тушунса, нега бу партия фақат бир кишининг партияси бўлиб қолди?

Нега партиянинг раиси партия Марказий Кенгашининг 1993 йил 16 майда қабул қилган барча қарорларини, шу жумладан шу йил август ойининг иккинчи ярмида «Эрк» демократик партиясининг навбатдаги IV қурултойини чақириш тўғрисида якдиллик билан қабул қилган қарорларини ҳам бир чақага олмасдан, уни ёлғиз ўзи бекор қилди?

Партия раиси Муҳаммад Солиҳ хорижий мамлакатларда юриб «Озодлик» радиосидан ташқари турли хил доираларда ўтказган савол-жавоб, маъруза ва мулоқотларида Ўзбекистонга, ҳукумат ва Президентгагина тош отиш билан кифояланганги йўқ. У энди партиядаги ўз сафдошларига қарши ҳам кураш бошлади. Ўзга мамлакатларда юриб, партия Марказий Кенгаши сайлаган шахсни лавозимидан бўшатиб, яқинда Ўзбекистон олий судида «Миллий мажлис» деган жиноий иш бўйича судланган Отаназар Ориповни Бош котибликка тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқарибди. Ҳамма нарсани чет мамлакатда туриб, Муҳаммад Солиҳнинг якка ўзи ҳал қиладиган бўлса, бутун бошли партиядан у устун турса ўз-ўзидан қонуний савол туғилмайдими: қурултой чақириб партиянинг Марказий Кенгаши-ю, бошқарув ҳайъатининг сайланишининг кимга кераги бор? Бугунги кунда «Эрк» партиясининг шиори «Солиҳ деганимиз — партия демак, партия деганимиз — Солиҳ демакдир», бўлиб қолди.

Партия фаолларидан ҳисобланмиш Дилором Исоқова эса раисга ҳамду сано айтиш бобида ўрнак кўрсатаётганлардан биридир.

Партия раисига содиқлардан яна бири Марказий Кенгаш котиби Ҳамидулла Нурмуҳамедовдир. У киши раисга жон фидо қилиб хизмат қилади, партиянинг оддий аъзоларига эса заҳарини сочади. «Миллат фидойиси» бўлган бу инсон партияга содиқ ва хоинларни бир қарашдаёқ пайқайдиган камёб «фазилатга» эга эмиш. Албатта, бундайларни у тезда партиядан қуритиш пайига тушади ва ҳеч иккиланмасдан буйруқ беради: «Шоди Каримов, Зиёдулла Зиёмов сотқин, у юқоридан махсус қўйилган, уни партиядан ўчиринг. Шуҳрат Аҳмаджоновнинг савияси паст, туман котиблигидан ҳайданг! «Эрк» партияси марказий ҳайъатида каттакатта лавозимларни эгаллаб турган бундай ғаламис шахслар устига-устак ғоят хавфли «сўллик» касали — «мен» билан касалланганлар. Улар — илгари бирорта партияда бўлмаган фақат бизгина «Эрк» партиясига, унинг раҳбарий лавозимига лойиқмиз, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Коммунистик партия сафларида бўлганларнинг ҳаммаси сотқин ва хоин. Илгари раҳбарлик лавозимларида ишлаганларни «Эрк» партиясига йўлатманг. Давлат тизимида ишлаётганларнинг ҳаммаси биз-нинг душманларимиз.

«Мен» касалига мубтало бўлган «Эрк» демократик партияси Марказий ҳайъати раҳбариятида ин қуриб олган бундай ғўр ташкилотчилар туфайли партия кейинги пайтларда оммадан, халқдан ажралиб қолди. Унинг сафларини миллат — юрт ва Ўзбекистон манфаатларини ўйлаб, «Эрк» партияси Дастуридаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш нияти билан келиб кирган кўплаб партия аъзоларининг ҳафсалалари пир бўлиб тарк этдилар. «Эрк» демократик партиясининг IV қурултойига қадар илгариги қурултойда сайланган марказий ҳайъат аъзолари таркибидан деярли ҳеч ким қолмади. Ҳайъат амалда ўз фаолиятини тўхтатди. Назарий халтаси бўш, сиёсатда қалтабин, бутун қалбини маҳаллийчилик оғуси заҳарлаган бундай маслаҳатчиларга таянган партия раиси Муҳаммад Солиҳнинг аҳволини энди тушунса бўлади, албатта.

У партия қурултойидан нега қўрқди? Партия қурултойи партия фаолиятини тўхтатиб қўяди, деб қўрқдими? Йўқ, албатта. Муҳаммад Солиҳни партиянинг тақдири, унинг келажак олдидаги, миллат ва халқ олдидаги истиқболи заррача бўлса-да, қизиқтирган эмас. Муҳаммад Солиҳ бу ерда ҳамма нарсадан ўз шахсий манфаатини устун қўйди ва фақат ана ўша манфаат унинг оромига тинчлик бермади: мабодо чарх айланиб кетса-ю, навбатдаги муддатда қурултойда партиянинг раислигига сайланмай қолса-я? Унда нима бўлади? Унда Муҳаммад Солиҳ хорижий мамлакатларда юриб ўз юрти Ўзбекистон шаънига, унинг ҳукумати шаънига ўйдирма, ёлғон-яшиқ ва бўҳтонларни айтиш имкониятидан маҳрум бўларди. «Эрк» демократик партиясининг бугунги кунда боши берк кўчага ва танг аҳволга тушиб қолганлигини энди тушунгандирсиз. Бу партия ўзида оддий бир марказни, унинг ташкилий ишини йўлга қўя олмагани ҳолда қандай қилиб ташкилий уюшган сиёсий куч сифатида Ўзбекистон миқёсида оппозицион йўл тутиб майдонга чиқадию, ҳокимият учун даъвогарлик қилади?

«Эрк» партиясини ғоятда оғир бўҳрондан олиб чиқиш йўли бор. Бу йўл — ақл, фаросат, объектив ҳақиқат йўли, ҳаётга кундалик воқеа ҳодисаларга очиқ ва тўғри кўз билан қараш йўлидир. Бу йўл бошқа сиёсий партиялар, ҳукумат ва Президент билан ҳамкорлик қилиш йўлидир. Партия Низомида биз парламент партиясимиз дейилган. Демак, курашнинг парламент йўлини ўтказиш лозим.

Юқорида айтилган фикр ва хулосаларни якунлаб мен шу нарсани қайд қилмоқчиман:

— Мен «Эрк» демократик партиясига Муҳаммад Солиҳ шахсини улуғлаш учун кирган эмасман. Балки партия дастуридаги ғоявий талаб ва эҳтиёжларимни тўла қондирадиган аниқ ва зарурий муаммолар мени бу партияга етаклаб келганди. Партия раиси Муҳаммад Солиҳнинг бугунги кундаги ҳокимият учун кураш усули менга маъқул эмас. Мен илгари сураётган ғоялар, мен таклиф қилаётган курашнинг тактик усулларини партия қурултойи иккор этиб, менинг сўзлашимга ҳам имкон бермаган экан, мен бу партияда қола олмайман ва «Эрк» демократик партиясидан чиқанлигимни билдираман. Чунки мен ҳеч қачон анархия йўлини, миллатни бебошларча иккига бўлиб бир-бирига қарама-қарши курашга чорловчи йўлни қўлламаганман ва бу йўлни миллат ва юрт тақдири учун энг хавфли ҳамда фожеали йўл деб биламан.

Шоди КАРИМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Эрк» демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг собиқ котиби, профессор.

(«Халқ сўзи» 1993 йил 27 октябрь.)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллиги олдидан

ИСТИҚБОЛЛИ ИЗЛАНИШЛАР

МАЪЛУМКИ, механика фани ўз натижалари билан техника ривожининг кўпгина соҳаларига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам техника тараққиёти бевосита механика фани билан боғлиқдир. Ўзбекистонда бу фаннинг ривожланиши ва тараққиёти республикамиздан чиққан йирик олимлар — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари М. Ўрозбоев, Ҳ. Раҳматулин, В. Қобулов, Т. Рашидов, Ҳ. Усмонхўжаев, мухбир аъзолари Д. Файзуллаев, Е. Бузин, М. Шульгин, И. Аржаних ва бошқаларининг номлари билан боғлиқдир. Механика фани шу минтақа халқ хўжалигининг долзарб муаммолари атрофида тараққий қилган десак хато қилмаган бўламиз.

1920 йилда Туркистон (ҳозирги Тошкент) Давлат университетининг физика-математика факультетида ташкил этилган механика кафедраси республикамизда шу соҳадаги илмий-педагогик мутахассисларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди. 1936 йилга келиб мазкур кафедра механика фанининг уч йирик йўналиши: назарий механика, гидроаэродинамика ҳамда эластиклик ва пластиклик назариялари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган шу соҳанинг марказига айланди. Университет механика кафедрасида ва бошқа илмий-тадқиқот муассасаларида шу йўналишлар бўйича илмий изланишлар ривожлана бошлади.

Тошкент Давлат университетида умумий механика мутахассислигини жорий қилиш ва шу соҳада мутахассис ходимлар тайёрлашнинг ташкилотчиси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор М. Шульгин бўлиб, у 1989 йилдан механика ва 1957 йилдан 1975 йилгача умумий механика кафедрасига раҳбарлик қилди. Шу даврда Ўзбекистонда умумий механикадан бажарилган илмий ишларнинг кўпчилигига у раҳбарлик қилди, ва Тошкент аналитик динамика илмий мактабини ташкил этди.

Ҳозирги пайтда бошқариладиган механик тизимлар динамикасининг долзарб муаммоларини ҳал қилишдан, коинот парвози механикасининг вариацион масалалари, турғунлик ва барқарорлик назариялари, умумий механика масалаларини алгоритмлаштириш муаммоларини ҳал қилишдан иборатдир.

Академик Х. Раҳматулин яратган кўп фазали муҳитлар механикасининг янги назарияси унинг ўқувчилари томонидан ривожлантирилди. Бу назария баён этилган асар Германияда немис тилида чоп этилди. Ушбу назария айниқса Тошкентда академиянинг мухбир аъзоси Д. Файзуллаев томонидан кенг миқёсда ривожлантирилди, унинг маҳсули сифатида яна катта илмий иш АҚШда инглиз тилига таржима қилинди. Илмий ишнинг инглиз тилида чоп этилганлиги Ўзбекистонда суюқликлар механикаси йўналиши бўйича қилинаётган ишларни жаҳонга танитди.

Атроф-муҳит тозалигини бузмаслик йўлларининг гидродинамик параметрлари ишлаб чиқилди. Ушбу йўналишлар асосида ҳозирда кўплаб қўлланмалар ва тавсияномалар яратилдики, улар мустақил Ўзбекистонимиз халқ хўжалигини ва қишлоқ хўжалигини ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Келажакда суюқликлар, газ, кўп фазали ва кўп компонентли муҳитларнинг фундаментал назариясини янада ривожлантириб, халқ хўжалигини юқори даражада бўлишини таъминлаш учун нефть, газ, сув ва суғориш муаммолари, кимёвий технология, иссиқлик ва масса алмашиш масалалари, шунингдек маҳсулотларни қуритиш ва сақлаш каби ишлар режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда механика фанининг техника соҳаларига жорий этилиши академик М. Т. Ўрозбоев номи билан боғлиқ. Унинг ип механикаси ва тасмали узатмалар ҳисобида бошланғич чўзилишни ҳисобга олиш услуби илмий натижалар аниқлигини оширди. У ўз шогирдлари билан биргаликда механика фани усуллари асосида пахта териш машинасининг уч ғилдиракли ҳолатининг турғунлиги масаласини очди ва лойиҳачиларга керакли тавсиялар берди. Техниканинг асосларидан бўлмиш механика фанини ривожлантиришда унинг шогирдларининг ҳиссаси катта.

Ўзбекистонда машина ва механизмлар назарияси, ҳамда уни пахтачилик мажмуасидаги машиналарига тадбиқи соҳасида академик Ҳ. Усмонхўжаевнинг роли беқиёс. Ў механизмлар асосларидан бирини ташкил этувчи динамик хусусиятли кинематик жуфтлар назариясини яратдики, биргина шу йўналиш пахта териш машиналари ишчи органи шпинделларнинг таркибий тузилмасини назарий асослашга олиб келди ва технологик машиналар иш жараёнини бир меъёрда бажарилиши мумкинлигини исботлади.

Республикамизда машина ва механизмлар гидроузатмаларидаги динамик жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва янги турларини яратиш академик О. Лебедев ва унинг шогирдлари томонидан муваффақиятли олиб борилмоқда. Механика фани техника соҳасигагина эмас, технологик жараёнларга ҳам фаол таъсир этишини республикамизда академик М. Ҳожинова ва унинг шогирдлари кўрсата билишди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзолари Р. Маҳкамов, С. Неъматов ўзларининг технологик механика соҳасидаги олган натижалари билан пахта тозалаш саноати машиналари иш сифатини ошириш йўлларини кўрсатиб берди. Технологик жараёнлар механикасини ривожлантириш олий, техник ўқув юртлари олимларининг диққат марказидадир.

1943 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Иншоотлар институти ташкил этилгач, М. Ўрозбоев бошчилигида қисқа фурсат ичида динамика ва иншоотлар мустақиллиги соҳасида бир қанча фундаментал ишлар яратилди. Булар ўз навбатида Тошкент бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги илмий мактаби яратилишининг дебочаси бўлди. Шу даврда бажарилган ишлар натижалари асосида қурилиш меъёрлари ишлаб чиқилди.

1966 йил апрелидаги Тошкент зилзиласи бу соҳадаги ишларнинг нақадар долзарблиги ва муҳимлигини яна бир бор кўрсатди ва бу борадаги илмий, амалий ишларни амалга ошириш учун кенг кўламда йўл очилди. Зилзиладан шикастланган иншоотларни таъмирлаш усуллари, Тошкентни қайта қуришда 9 баллгача ер силкинишларига бардош берадиган иншоотлар қуриш тажрибалари, бинолар қуришда муҳандис-сейсмометрик хизматлар ташкил этиш ва бошқа амалий ишлар бажарилди.

Ўзбекистонда деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикасининг ривожланишида ва унинг кўп тармоқли йўналишини барпо қилишда Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси жаҳон механикасига катта ҳисса қўшган олим А. Ильюшиннинг роли муҳим аҳамиятга эгадир.

70-йилларнинг бошларига келиб академик Т. Рашидов раҳбарлигида ер ости иншоотлари сейсмодинамикаси назарияси ишлаб чиқилди ва унинг натижалари Тошкент метрополитени, турли ер ости иншоотлари қурилишларида ва қувурлар ўтказишда муваффақиятли тадбиқ қилинмоқда. Бу соҳадаги тадқиқотлар Ўзбекистонда тупроқ таъсиридаги иншоотлар сейсмодинамикаси илмий йўналишини барпо этди ва шу соҳадаги барча илмий изланишларни бир йўналиш бўйича мужассамлаштириш имкониятини берди. Қўлга киритилган бу натижалар илмий жиҳатдан деформацияланувчи қаттиқ жисм механикасига оид бўлган фундаментал соҳаларнинг назарий ва тажрибавий йўналишларини ривожлантиришга олиб келса, амалий жиҳатдан республикамиздаги сейсмик мустаҳкамлигини таъминловчи минтақавий сейсмик қурилиш нормалари яратишга имкон очиб бермоқда.

Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикасининг ҳозирги замон йўналишларидан бири бўлган ҳисоблаш механикаси услубларини яратиш ҳамда уни муайян масалаларда қўллаш йўлларини ривожлантиришда Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Т. Бўриевнинг ҳиссаси каттадир. Тупроқ механикаси ҳамда ўзаро мулоқотдаги икки жисм механикаси ва унинг халқ хўжалигига тадбиқи масалаларини ҳал қилишда Фанлар академияси мухбир аъзоси Т. Ширинқулов жонбозлик кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, механика фани ўзининг асрларга чўзилган чуқур илдизи билан, мустақил Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши даврида Президентимиз Ислом Каримов вазифа қилиб қўяётган, техниканинг барча соҳаларига, технологияга фаол таъсири келажак учун камчиқим, кўп самара технологик жараёнлар яратишга асос бўлиб қолади. Чунки бугунги кунда республикада механика фани ривожига юқори малакали олим, мутахассислар — фан докторлари ва номзодлари хизмат қилмоқдалар. Республика механик-олимларнинг асосий мақсади халқ хўжалигини кўп соҳаларини ривожлантиришнинг асоси бўлган механика фанини жаҳондаги энг илғор илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириб юртимиз учун долзарб ва муҳим фундаментал илмий йўналишлар бўлган деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси, суюқлик, газлар ва кўп фазали муҳитлар механикаси, машина-механизмлар назарияларини ривожлантириш орқали бино, иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги муаммоларини ҳал қилиш, регионал сейсмик нормалар яратиш, пахтачилик енгил ва тўқимачилик саноати мажмуаси машинасозлиги илмий асосларини яратиш ҳамда янги юқори самарали машина, механизмлар конструкцияларини яратиш, экологиянинг айрим масалалари бўлган сув таҳқислиги, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш орқали ер ости бойликларидан одилона фойдаланиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган давлат фан ва техника режаларини бажариш мўлжалланган.

Ёрмуҳаммад МУБОРАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг директори, техника фанлари доктори, профессор.

** Машҳур кишилар ҳаётидан*

ҒАРОЙИБ ОҲАНГ

1905 ЙИЛ ёзида буюк француз композитори Морис Ревель Европа дарёлари бўйлаб яхтада саёҳат қилиб юрганда Рейн бўйида жойлашган катта бир заводга ташриф буюрди. Бу ерда кўрганлари ҳеч бир муболағасиз композиторни жуда ҳайратлантирди. Бу ҳақда у ўзининг хатларидан бирида шундай ҳикоя қилади: «Кеча кўрганларим хотирамга ўрнашиб қолди ва бир умр эсимдан чиқмайди... Бу металл асбоблар қуядиган улкан заводда кечаю кундуз 24 минг киши ишлар экан. Сизни ҳар томондан қамраб олган бу металл салтанатидан, бу ёниб турган олов қасрлардан, ҳуштаклар нинг бу ажойиб куйидан, айлантирадиган қайишлар шовқинидан, болғалар тарақ-туруқидан олган таассуротларимни Сизга қай тариқа изҳор қилай... Буларнинг ҳаммаси қандай оҳангдор-а! Албатта, фойдаланаман..!»

Композитор ўзининг бу фикрини ҳаётда деярли чорак аср ўтгандан кейин амалга оширди. У 1928 йилда унча катта бўлмаган «Болеро» балети учун мусиқа ёзди. Бу мусиқа Ревелнинг энг машҳур асарларидан бири бўлиб қолди.

Балет муаллифининг тушунтиришича, воқеалар очиқ ҳавода кечади. Декорациялар эса албатта завод корпусини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Токи цехлардан чиқаётган ишчи эркак ҳамда аёллар секин-аста умумий рақсга қўшилиб кетсинлар.

САЙЁҲ ФОЙДАСИГА

1492 ЙИЛ 12 октябрда яким кечаси «Хинта» кемасининг матроси Родриго де Триана олисда ерни кўрдим, деб бақирди. Христофор Колумб томонидан кўҳна тарихи ва маданияти, қудратли империялари, ажойиб наботот ва ҳайвонот дунёси бўлган Америка қитъасининг кашф этилиши шундай бошланди.

Испанлар биринчи марта кўрган жўхори, картошка, тамаки сингари ажойиб ўсимликлар орасида фақат пахтагина Оврупада маълум эди. Айнан пахтанинг кўплиги туфайли Колумбда Ҳиндистонга етиб келдим, деган ишонч пайдо бўлди. Маҳаллий аҳоли уйларида испанлар пахта тойларини кўрдилар. Аёллар ундан дағал газламалар, тўрлар тўқишарди. Меҳмондўст ҳиндулар денгизчилар билан дарҳол савдо бошлаб, «йигирилган ип коптоки»ларини таклиф этдилар. Саёҳат қатнашчиларидан бири шундай деб ёзган эди, «Мен уларнинг йигирилган ипдан тайёрланган худди плашч сингари кийимини кўрдим, ҳиндулар ясанишни яхши кўришади... Аёллар ип-газламадан тайёрланган чолвор кийишади. Ҳиндулар ётганларида остиларига тўрга ўхшаган нарса тўшайдилар, у ҳам йигирилган ипдан тўқилган».

Колумб денгиз сафаридан қайтиб келгач, шундай ахборот беради: «Ҳазрат олийлари, шунга ишонч ҳосил қилсинларки, мен у кишига олтинни қанча керак бўлса, шунча бераман, ҳазрат олийлари истаганча зиравор ва пахта... қанча зарур бўлса, шунча олой ва қул бераман». Эр-хотин қироллар — Изобелла Костильская ва Фердинанд Араганскийга — Колумб экспедицияси денгиз ортидан келтирилган бошқа бойликлар орасида жўхори, долчин, ваниль, олий нав пахта ва бошқа кўплаб ўсимликлар бор эди.

Америка қитъасини биринчи бўлиб кўрган Родриго де Триана ваъда қилинган ўн минг мараведи ва ипак камзулни олдими? Йўқ, олмади. Христофор Колумб кашфиёт юз бериши арафасида, тун қоронғусида ғарбда ҳаракатланаётган нурни кўрганман, шунинг учун мукофот «Пинта» матросига эмас, балки менга берилиши лозим, деб айтди. Оддий матрос ва адмирал ўртасидаги баҳс, шубҳасиз, Колумб фойдасига ҳал бўлди ва у бошқа даромадлардан ташқари Ғарбда янги ерни биринчи бўлиб кўрганлиги учун умрининг охиригача ҳар йили нафақа олиб турди...

Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

** Сўз—фестиваль қатнашчиларига*

«Тошкент—орзуларим ушалган шаҳар»

⊙ Нилам Мансингх ЧОУДХАРИ, Ҳиндистоннинг Панжоб штати, Чандигарх шаҳридан; «Компания» театри бош режиссёри:

— Эсимда, у вақтларда мен талаба эдим, Раж Капурнинг Ўзбекистон ҳақида, ўзбекларнинг меҳмондўстлигию қўли гул ҳунармандлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби гўзал шаҳарларнинг таърифи ҳақидаги ҳикояларини жуда кўплаб эшитганман, газеталарда ўқиганман. Бирдан-бир орзуим ўз кўзим билан Ўзбекистонни кўриш ва театр жамоамизни ўзбек санъаткорлари билан таништириш эди.

Шаҳрингизда зўр муваффақият билан давом этаётган «Театр: Шарқ—Ғарб» Халқаро фестивали менинг узоқ йиллик орзуларимни ушалтирди. Ҳақиқатан ҳам мен ўйлаганимдан, тасаввур қилганимдан кўра ҳам ўзбеклар жуда меҳмонни ҳурмат қилишар ва улар билан хушмуомала бўлишар экан. Тошкентга келганимдан ва жаҳоннинг буюк бир миллати ўзбек билан, ўзбекнинг миллий санъати, маданияти ва тарихи билан яқиндан танишиш ва ҳамкасблар билан мулоқотда бўлишдек бахтга муяссар бўлганимдан ғоятда хурсандман.

Мана, шанба куни Максим Горький номидаги театр биносида машҳур ҳинд драматурги Гириш Карнад асари асосида саҳналаштирилган «Нага—Мандла» спектаклини намойиш этдик. Уч соат танаффуссиз кўрсатилган мусиқий пьесани кўргани келган томошабинларга зал кичиклик қилди. Тик турис томоша қилганларнинг ҳам юзида севинч, ички бир қониқиш ва қалбларга таскин олиб кетганлигидан мамнун бўлдик. Айниқса, биз — театр одамига бундан ортиқ мукофот йўқ.

Ўзбекистонликларнинг умуман санъатга ихлослари жуда баландлиги, кўпроқ ҳинд театри ва киноларини севишлари ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашига ишончим комил.

Куни кеча биз қўним топган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида бир ўзбек аёлининг айтган сўзлари бир умр ёдимда қолади. Унинг нуроний юзи ва меҳр-муҳаббатга тўла кўзлари юракларга жойланди. Кейин таржимон йигитимиз шундай деб ўгириб берди: «Ҳар якшанба куни кўпқисмли «Маҳабҳорат» бадиий фильмини мириқиб кўраяпмиз. Ўзим ва болаларим ҳам Ҳиндистон санъатини жуда севамиз. Сизларга узоқ умр берсин, мартабанглар бундан ҳам зиёда бўлсин».

Бундай ширин сўз ва истакни дунёда фақат биргина ўзбек халқи айтиши мумкин.

Мирза МАМАЖОН суҳбатлашди.

● Фарғона мусиқали драма театрининг Халқаро фестивалга олиб келган «Тошкентга саёҳат» спектаклидан кўриниш. С. Каган суратн.

Билим юртида корхона

ТОШКЕНТДАГИ 45-ҳунар-техника билим юрти малакали ишчи кадрлар тайёрлашда бой тажриба орттириб келаётган ўқув даргоҳларидан бири саналади. Бу ерда ҳунар-техника таълими тузилишида ўзига истиқболли йўл тошаётган илғор усуллар жорий қилиниб, кенг қулоч ёзмоқда. Билим юрти орттираётган бу каби бой тажрибалар бошқа ўқув даргоҳлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу сабабли ҳам мазкур кадрлар ўчоғи негизида республика ўқув-ишлаб чиқариш марказини ташкил этишга қарор қилинди. Бу режа яқинда амалга оширилди.

Янги ўқув-ишлаб чиқариш маркази олдида талайгина муҳим вазифалар турибди. Республикада муносиб ўринбосарларни тайёрлашни сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш билан боғлиқ кўпгина маърифий тадбирларни амалга ошириш ҳам режалаштирилди.

Марказда ўқув-ишлаб чиқариш негизини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш цех-лабораториясининг очилиши нур устига аъло нур бўлди. Ушбу цех-лаборатория орқали энг мақбул иш усуллари ўрганилиб, оммалаштириб борилади.

Яқин орада марказ ўзининг газмол йиғув цехига ҳам эга бўлади. Ҳозир ўзига хос мўъжаз бу корхона тезкорлик билан бунёд этилмоқда. Янги цех замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Бунинг учун катта миқдорда маблағ ажратилди.

Озод АҲАДОВ.

Султон Акбарий—70 ёшда

МАҲАЛЛАДОШИМ

ЕТМИШ ёшни Ер курраси умрига қиёс этсак капалакнинг бир гулдан иккинчи гулга қўнгунча бўлган дақиқадай гап.

Султон Акбарий — ўз шеъри билан айтганда, ўтган йиллар мобайнида табиийки, кўнглидаги армон ва изтиробларини тўла очолмади. Аммо «кўнгил деган тўқайни» кучи етганча — борича кўрсатишга уринди. «Ҳаёт томошасини» синчков кўз билан чуқур кузатди. Бу томошадан гоҳ эзилди, гоҳ кулди. Энди ҳозир ўзи айтмоқчи «қариб кетганида ҳам ҳавас билан Ватан туйғусини ёзишга ўзини сафарбар», деб билиб келмоқда. Шоир «Одам борки» шеърида: «Одам борки ғояси бор, одам борки сояси бор», деб бекор айтмайди. Чунки турфа бу дунёнинг аломатлари кўп. Бу аломатларни эса кўп ўринда мазмуни соядан иборат одамлар ўтаб қўяди.

Шоир ўзига таскин беради. «Шукрона» деб китоб нашр эттиради ва «кўргандан кўрмаганим кўп экан», деб ўзига ўзи сабр тилайди. Аммо шу она юрт Ўзбекистоннинг ўз фарзанди эмасми, ўз юртини алқаб: «Яхши одамлар юрти», дея фахр туйғусига тўлади.

Ажойиб асар, ўзбек достончилигида ўзига хос ўчмас ўрни доимий қоладиган «Гирдоб» достонида ҳам, «Менинг маҳаллам» фахриясида ҳам, Африқо қитъаси саёҳатларидан дунёга келган шеърий туйғуларида ҳам ва бошқа қатор шеърий дастларида ҳам шу «яхши одамлар юрти» муҳаббати ошиб-тошиб куйланади.

Султон Акбарий нафақат моҳир шоир ва уста таржимон, балки умрини кундалик газетага бахшида қилган мухбир ҳамдир. Бутун умри давомида таҳрир иши билан машғул бўлди.

Султон ака ширинсухан, дилбар қалбли инсон. Шунинг учун ҳам дўстлари кўп. Айниқса, устоз шоир раҳматли Миртемир домламиз Султон акани «Султонбой иним», деб жуда эъзозлар эдилар.

Шеъриятимизда халқчиллик деган ибора юради. Бу гапни хаёлга келтиришимиз ҳамони кўз ўнгимизда Миртемир оқсоқол, Қуддус Муҳаммадий муаллим, Султон Акбарий деган аҳли келади. Улар шеърни ёзмайди, бахшилардек айтади. Улгурсанг ёзиб оласан, Улгурмасанг лабингни тишлаб қолаверасан...

Мен ҳам «Гулистон» журнали қайта тикланган йиллари Султон ака билан бирга ишлашга муяссар бўлганман. Папиросни бурқситиб, таҳрир қилар эдилар. Бир иш билан хонадан чиқсалар, таҳрир қилиб турган «материал»ни олиб, бошқасини жавонларига қўярдик. У киши ишни келган жойидан бошлагандек таҳririни давом эттириб кетаверардилар. Ўзларини аямайдиган, иш деса иккала қўл билан, енг шимариб ишлайдиган азамат одам эканига кўп бор амин бўлганман. Фронт қатнашчиси, элда азиз Султон ака қаёт йўли, ижодий машаққат йилларида унча эъзоз кўрмади. Ўзбекистон озод ва Мустақил қутлуғ йўлга кирган бир паллада шоиримиз айтганидек «ҳурматимиз менга олий саодатдир».

Боғ боғ бўлмоғи учун турфа хил дарахтлар бўлмоғи ва ҳар бирининг ўз ўрни борлиги маълум. Олма дарахтининг ўрнини гилос, гилос ўрнини шафтоли боса олмайди... Шундоқ экан муҳтарам Президентимиз: «Ижодкорни ўзи ҳаётлигида эъзозлашимиз керак!» деган сўзлари айни дилимизни равшан этадиган гап. Энди бу қутлуғ гапга амал қилиш бевосита ёзувчилар уюшмаси раҳбарларининг зиммасидадир. Султон Акбарийдек заҳматкаш шоирлар кўксига ҳам илиқ шабадалар тегиши муқаррар. Бугунги етмиш йиллик тўйни хамир учидан патир, деб қабул қилсак бўлар...

Султон Акбарийнинг энди ёзадиган чоғлари келди. Бу йўлда юрт ишқи шоиримизга мададкор бўлсин!

Пўлат ИНОЯТ ўғли.

СЎЗ ЖИЛВАЛАРИ

● ЭНСА, ЭНГСА. Энсамни қотирма. Энсам қотди. Нимага шундай деймиз? Энсанинг жаҳлга нима даҳли бор? «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «ножўя гап, қилиқ, ҳаракат ва шу каби билан ғашини, аччиғини келтирмоқ» дейиляпти.

Хўш, энсанинг маъниси нима? «Изоҳли луғат»да: «Энса одам бошининг орқа томони, энса суяги (анат). Ярим шарнинг кейинги қисми энса пилласини ҳосил қилади. («Анатомия»). Демак, энса бошга тааллуқли. Нечун унда бошимни қотирма демаймиз? Ё бошнинг мажозий маъносими бу?

Ойбек буни «энгса» шаклида Горацийнинг «Пизонларга бағишлов» асари таржимасида ғоят маҳорат ила қўлламиш. Чунончи: Агарда рассом инсоннинг бошига от энгсасини уласа эди ва турли аъзолар қурамасини ола-була патлар билан безаса эди, ёки гўзал хотин баданини қора балиқ шакли билан тамомлаган бўлса эди, — буни кўрган вақтда, дўстларим, сиз қаҳ-қаҳадан ўзингизни тутабилармидингиз?»

● ҚОРТОЛ. «Изоҳли луғат»га кирмаган. Улаксахўр йиртқич қуш. Ойбек буни Апулейнинг «Метаморфозалар»и таржимасида ишлатган.

● САҲАРГОҲ. КЎКАЛДОШ. «Изоҳли луғат»да икковиям йўқ. Саҳаргоҳ — саҳарҳезнинг бошқа шакли. «Қиссаи Сайфулмулук»ка қаралсин. Мажлисий ўз достонини «назм поки турки тил ул» деган. Достонда халқ оғзаки ижодининг ганжлари, тил сандиғининг бисотлари кўп. Латифликни ундан ўрганмоқ жоиз. Мисол:

Деди Султон: «Ажаб ошифтадурман,
Била олмон нега олифтадурман».

Ёзма адабиётда кўгалдош (кўкалдош) сўзини жорий этган ҳам Мажлисий бўлса ажабмас. Мисол:

Малиҳзодага қилдилар кўгалдош,
Эналарга анинг онаси бош.

«Кўкалдош» ўзбек халқ достонлари ва эртакларида бот-бот учрайди. Бир эмчакни эмишган, сут қондош, ширхўра демакдир.

● ЗУЛФИ ЗАРАФШОН. Эргаш Жуманбулбул айтган «Кунтуғмиш» достонида:

Зулфи зарафшоним, қайдан бўласан!
Тўти ғазалхоним, қайдан бўласан!

Заркокилга ишора. Кунтуғмишнинг бир сифати. Зар сочувчи маъносида.

● ВАКИЛ ОТА. «Ўзбекларнинг бир расми бор эди: ҳарким хотинини уйига олиб келарди шу келинчакка бир кишини ота қиларди; у шу одамга қиз бўларди; уни вакил ота дейди. Доим шу қиз уни ота деб юрарди; вакил ота ҳам уни қизим деб бориш-келиш қилиб юрарди. Гўрўғли Юнус парини олиб келганда, қирғиз элида бир Хидирали деган бор эди, вакил ота қилиб қўйган эди. Юнус пари хотинларни, йигитларни бошлаб, отаси Хидирали-никига борди. Хидирали, «қизларим келди», деб шошиб қолди. Бир-бирлари билан кўришиб, сўрашиб, буларни катта ўтовга тушуруб, қизларини меҳмон қилаверди». (Эргаш Жуманбулбул ўғли айтган «Чамбил мудофааси» достонидан).

● ЛАЛМИ ҚУШЛАР. Лалми қушларни эшитганмисиз? Қушлар мажлисида уларни фарқ қила оласизми?

«Равшанбек қараса, нообод сув чиқмаган тошлоқ харобат ерларда лаълими қушлар, сўпитўғай, ғазалай, пуччакалонлар, олапопуш (олапопиш, олапопишак-попишак) олақарға, қорақарға, олашақшақ бари йиғилиб лайлакни созанда қилиб айттириб ётипти». (Эргаш Жуманбулбул ўғли айтган «Равшан» достонидан).

Ғазалай, пуччакалонлар, олашақшақ сингари лаълими-лалми қушлар негадир тил луғатларимизга кирмай турипти.

ЯССАВИЙЧА

Дунё кўҳна карвонсарой,
Кирди қатор, чиқди қатор.
Дўконида сохта чирой,
Кими олар, кими сотар.
Дунё қадим каптархона,
Қўнди қатор, учди қатор.
Ҳикмат келур ки шарқона,
Тик турганлар бир кун ётар.
Дунё эски тоқу равоқ,
Тузди қатор, бузди қатор.
Ё раб, ё раб, мулкинг чатоқ,
Ғам лойини баланд отар.

ЭЛБЕГИ ДЎМБИРАМ

Етти жуфт чин қовурға,
беш жуфт етим қовурға
дўмбирам ускунаси.
Ёмғирдай олашовур,
тарихдай ғала-ғовур,
одамзотнинг кўҳнаси.
Қоқсам кўнглим сойлайди,
қоқмасам войвойлайди,
теккан шоир нафаси.
Қулун кишнаб тойлайди,
отим қанот бойлайди,
Қўнғиротда капаси.
Элбеги дўмбирам-ей,
Ҳизр тенги дўмбирам-ей.

ЭШИК ЛАНГ ОЧИЛАР

Эшик ланг очилар
Шарқда одатан,
Бир — шодумон палла,
бир — видо кези.
Тўйнга бораман
«муборак» билан,
Азага бандалик
ҳақлигин сезиб.
Бу қадимги урф,
қадим одати,
Сафо ҳам, жафо ҳам
эшик очади.
Дунёни кўтариб
кетмас тоати,
Бир кулиб, бир йиғлаб
борин сочади.

Султон АКБАРИЙ.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

● Босмага бериш вақти 11.30.
● Босмага берилди 11.30.
Буюртма Г—588.
17.229 нусхада.